


86
214

АБДУССАЛОМ АШРИЙ
МУҲАММАД АБДУЛҒАНИ ҲАСАН



ХАДИЧА

БИНТИ ХУВАЙЛИД

Розийаллоҳу анҳо

АБДУССАЛОМ АШРИЙ МУҲАММАД
АБДУЛҒАНИ ҲАСАН

ҲАДИЧА БИНТИ ХУВАЙЛИД

Розияллоху анҳо

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

УЎК 297.1
КБК 86.38
3 39

Таржимон ва нашрга тайёрловчилар:

**Дилмурод ҚЎШОҚОВ,
Иброҳим НУРУЛЛОҲ**


Мухаммад Абдулгани Хасан, Абдуссалом Ашрий
Хадича бинти Хувайлид [Матн] / Абдуссалом Ашрий
Мухаммад Абдулгани Хасан; таржимон ва нашрга тайёр
ловчилар Дилмурод Қўшоқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом но
мидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 96 б.

Ушбу рисола пайғамбаримизнинг аёллари, у зотга илк и
мон келтирган зоти шарифа, барча мўминларнинг онаси – Ха
дича розияллоху анҳо ҳаётига бағишланган. Унда Хадича она
мизнинг болаликлари, оилалари, Пайғамбаримизга қандай тур
мушга чиққанлари, Ислом дини йўлида чеккан машаққатлар
ҳикоя қилинган.


Асар Ислом дини тарихи билан қизиқувчи китобхонла
оммасига мўлжалланган.

УЎК 297
КБК 86.3

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2017 йилдаги 8163-сонли
хулосаси асосида нашрга тайёрланди.



© Ғафур Ғулом номидаги нашрий
матбаа ижодий уйи, 2018



1-ҚИСМ

ХОНАДОН ГУЛИ

Хувайлиднинг ҳовлиси хурсандчилик, бахт-сурур,
дўстлик ва яхшилик туйғулари билан тўлиб-тошган
эди. Чунки қизи Хадича бу хонадонга ўзгача фойза
бағишлаб турарди. Оила аъзоларининг барчаси уни
яхши кўрар, дилдан суяр, ҳатто қўни-қўшнилари ҳам
уни алқаб, кўнгилни чоғлашга ҳаракат қилишарди. Уни
барча бирдай тилидан бол томиб мақтар, бир сўз би
лан айтганда, у ҳамманинг меҳр-муҳаббатини қозон
ган эди.

Хувайлид Қурайш саидларидан бўлиб, ҳар бир
ишда қавмига маслаҳатгўй эди. Усиз бирон иш бош
ланмасди. Гарчи унинг оиласи каттагина бўлса-да, эҳ
сон қилишда бемисл, ўта сахий инсон эди. Унинг ҳов
лисини одамлар “офият маскани” деб билишарди. Бу
ерда меҳмонлар хотиржамлик, роҳат ва гўзал муомала

топардилар. Бу ҳовлида саховат дастурхони ҳамиша очик эди.

Ҳадича бундай муҳитда, табиийки, сахий ва марҳаматли қиз бўлиб вояга етди. Бойликка ҳирс қўймади. Инсон ҳаётининг мазмуни фақат мол-мулк билан ўлчанмаслигини англаб етди. Бу неъматларни етказгани учун Аллоҳга шукр қилиши лозимлигини бир зум ҳам унутмади.

У фақир ва муҳтожларга қўлидан келганча кўмак берар, бу йўлда мол-мулкни сира аямас эди. Тиланчиларнинг қўлини қайтармас, ҳамиша мусофирларнинг хизматида бўлар, бирон нарса сўрашса, оғринмай берар, ҳамманинг ҳожатини чиқаришга шай турарди. Ҳадичанинг бундай гўзал хулқини кўриб, табиийки қариндош-уруғлари, қавмдошларининг боши кўкка етарди. Айниқса, қалби раҳмат ва ҳалимлик билан лиммо-лим бўлган отасининг шодлигини айтмайсизми?! Қизидаги гўзал фазилатларни кўриб, унга бўлган меҳри кун сайин ошарди. Яхши хулқи, ўткир зеҳни фаҳм-фаросати ва уддабуронлиги унинг порлоқ келажагидан, имон-тавфиқидан дарак берар эди.

Хувайлид қизи ҳақида ўйлар экан, унинг гўдаклик чоғларини эслади. Унинг илк қадамлари, енгил ҳаракатлари, меҳрибон ва маъсум қарашлари кўз олдидан ўтди. Хурсанд бўлиб, Аллоҳга шукр айтганча, ўз-ўзига деди: “Қандай одамлар-а... Булардан ҳам золимроқ кимса борми?! Қандай қилиб, ўз қизларидан жирканадилар?! Бунчалик бераҳм бўлишмаса?! Ахир, нобу бўлган норасидалар орасида Ҳадича сингари маъсум чечаклар қанча?! Ҳа, чиндан ҳам Ҳадича ҳовлимиздаги хушбўй райҳон, кўнглимизнинг қувончидир...”

Унинг у қизини ҳузурига чақирди. Насихатлар қилди. Қизининг одоб билан бош эгиб туришини кўриб, ичидан қувонди. Порлоқ юзига, кўркам қоматига назар ташларкан, Ҳадичанинг қўлини сўраб келаётган совчилар кўз олдидан ўтди. Бироқ у бу ҳақда гапиришнинг ҳали мавриди эмас, деб ўйлади. Қолаверса, совчи қўйган йигитларнинг аксарияти Ҳадичага эмас, балки дунё зийнатларига кўнгил қўйганини ва фақат обрўли хонадонга куёв бўлишни режалаштирганини яхши англади.

Ҳадича кўни-қўшнилари орқали ўзига келаётган совчилар ҳақида эшитар, бу ҳақда гап кетаркан, беихтиёр юзи қизариб, нима дейишни билмай қолар эди. У эрга тегиш ҳақида бош қотирмас, кўпроқ ўз ишлари билан банд бўларди. Чунки отасининг диёнатли инсон эканини билар, уни албатта яхши хонадонга, солиҳ инсонга узатишига ишонар эди. Зеро, отаси мурувват ва сахийлик сифатлари билан зийнатланган киши эди. Макка шайхлари ёш йигитлардек ҳаволанганда, у ўзини ўта камтар тутарди. Хувайлид ҳар бир ишни тарозуга солиб кўрадиган, масъулиятни ҳис қиладиган, ҳаким ва доно киши эди. У ҳар қандай ҳолатда ҳам саховат ва эзгулик тамойилидан оғишмасди.

Кунларнинг бирида кеч пайти Хувайлиднинг ҳовлисига Бани Маҳзум қабиласидан меҳмонлар келишди. Улар шунчаки меҳмонлар эмасди. Зиёфат, ўзаро суҳбат узоқ давом этди. Меҳмонлар хайр-хўш қилиб ўйларига қайтишгач, Хувайлид ҳам хужрасига кирди. Уни хотини Фотима интиқлик ва ҳаяжон билан кутарди. Хувайлид гапни чўзмасдан муддаони баён қилиб қўя қолди. Фотиманинг юзи ёришди. Эрининг қарори

унга ҳам маъкул келган эди. Улар шод-хурсанд ҳолда хужрадан чикдилар. Хувайлид дам олиш учун қурилган сўрига бориб ўтирди. Ипакдан тикилган қимматбаҳо кўрпа-болишга ёнбошлаб, ўйга толди. Хотини ҳам келиб ёнига ўтирди. Кейин қизи Хадичани чақирди. Қизи тезда, лекин уялибгина кўриниш берди. Улардан сал узоқроқда тўхтади.

Хувайлид қизига табассум билан қараб: “Ўтир, Хадича, – деди. – Сен билан бир масала юзасидан фикрлашмоқчиман. Қани, сен нима дер экансан?! Гапла римни яхшилаб тинглаб, ўйлаб жавоб бер”.

2-ФАСЛ

НОЗИК САВДО

Хувайлид Хадичага қараб-қараб қўя бошлади. Сўнгра мулойимлик билан ундан сўради: “Хадича, Шомга жўнатиш учун тайёрлаб қўйган карвонимиз ҳақида нима дейсан?”

Қизи саволни чиройли табассум билан қаршилади. Кейин одоб билан: “Карвон яхши ҳозирланган. Савдо-тижоратимиз, Аллоҳга шукур, касодга учрамай фойда келтирмоқда. Қайси шаҳарга борса, ривож топмоқда. Карвонимизда яхши тартиб-интизом ўрнатилган”, деди.

Отаси табассум билан яна сўради: “Карвон билан жўнатмоқчи бўлган одамларимиз ва ишчиларимиз ҳақида нима дейсан?”

“Албатта, улар нимани сотиб олишни ва нимани олмасликни яхши биладиган, зийрак кишилар”, дея жавоб қайтарди Хадича.

Хувайлид хотини Фотимага маъноли қараб қўйди. Сўнгра яна Хадичага савол ташлади: “Макканинг моҳир савдогарлари ҳақида фикринг қандай? Сенингча, уларнинг қайси бири ишнинг кўзини, фойда олиш йўллари кўпроқ билади?”

Қизи бир оз ўйланиб, одоб билан сўради: “Қандай фойда ҳақида сўраяпсиз: ҳалол фойдами ёки ҳаром?”

Отаси шошиб жавоб қайтарди: “Ҳа, албатта, ҳалол фойда-да, ҳаром фойданинг охири вой-ку. У фақат бир

марта эгасига фойда келтиради-да, кейин баракани қочиради. Аллоҳ уни зое кетказади. Мен сендан савдо-сотикда ҳалоллик билан моҳир бўлганларни сўра-япман...”

Қизи омонатга хиёнат қилмайдиган, ҳалоллик билан иш юритувчи Макка савдогарларини бирма-бир санади. Сўзининг сўнггида ота-онасига назар ташлади. Отаси: “Атиқ ибн Обид тўғрисида фикринг қандай?” деб сўради. Жавоб тезда бўлди: “У Бани маҳзумликлар каби савдода моҳир, фойда олиш йўллари яхши биладиган, бойлик таъмини тотиб, уни кўпайтириш истагида юрган савдогар”.

Хувайлид яна шошилиш савол ташлади: “Ҳалолданми, ҳаромданми?”

Қизи эшитган-билганларига таяниб, қатъий жавоб берди: “Гувоҳлик бераманки, у ҳалол йўл билан шухрат топди. Ҳаром молга яқинлашмайдиган, сахий ва шижоатли инсон. Мен ўз аҳлига ундан-да севимлироқ бўлган бошқа кишини билмайман”.

“Шу сафарги тижорат ишларимизни унга юкламоқчимиз, – деди Хувайлид бир оз тин олиб, қизига бошдан-оёқ назар ташларкан. – Унга савдодан-да муҳимроқ, молдан-да қимматбаҳо, ҳар қандай бойлик тенглашолмайдиган омонатни топширмоқчиман”.

Хадичанинг ҳаёлига бирдан ҳалиги меҳмонлар келди. Ота-онасининг суҳбатини эслади. Отасининг ҳозир нима ҳақида сўз очмоқчи эканини пайқаб, юзи қизариб кетди. У бошини эгиб турар, жавоб қайтаришга уялар эди. Хувайлид секингина, мулойимлик билан: “Атиқ ҳақида фикринг қандай?” деди. Хадича ҳамон бошини кўтаролмас, юзи лов-лов ёнар, бор шижоати-

ни тўплаб, сўзлашга куч изларди. Ота-онаси ундан жавоб кутиб, юқоридаги саволни такрорлашларига тўғри келди.

Охири Хадича зўрға, эшитилар-эшитилмас овозда: “Отамнинг розилиги менинг розилигим эмасми?!” деб жавоб бера олди, холос. Отаси яқин келиб, унинг пешонасидан ўпди ва: “Сен Атиққа, Атиқ сенга муносиб, – деди. – Аллоҳ яхшилиқни севувчи ва яхшилар билан яхшиларни рўбарў қилувчи зот. Парвардигордан Атиқ ҳақидаги фикримнинг тўғри чиқишини ва гўзал жуфтлик амалга ошишини ўтиниб сўрайман”.

Сўнг онаси келиб, Хадичани икки юзидан бир-бир ўпди-да, эрига юзланди: “Биз Атиқ истаганидек тўйни тезлаштира олмаймиз. Эл қатори тўй либослари ва бошқа жиҳозларни тайёрлаш учун анчагина вақт керак бўлади”.

Хувайлид уларни тинчлантирди: “Бир-икки ой ичида карвон керакли жиҳозларни Яман ва Шомдан келтиради, унгача бир оз кутиб турамиз... Фотима, дўконларимиз мол-ашёга тўла. Хоҳлаганларингни олаверинглар, ахир барча бойлигимиз қизимиз Хадичаники-ку”.

Кейин жилмайиб қўшиб қўйди: “Лекин мен бундан кўпроқ кечиктиришга қодир эмасман”. Фотима ҳам жилмайди. Хадича юзини яширди. Кейин улар тарқалдилар. Ота-она қизларининг келажаги, бўлажак куёвлари, уларнинг ўзаро турмуши ҳақида ширин хаёллар суришарди.

3-ФАСЛ

ТҮЙ ХАЯЖОНИ

Карвон Маккага хилма-хил юклар билан қайтди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-чевалар, атир-упалар, турли либослар, чакмонлар ва бошқа шунга ўхшаш ноёб моллар олиб келди. Унда Хувайлид ва Атиқнинг юки ҳам бор эди. Чиройли газламалар, нафис тўшаклар, қимматбаҳо форс гиламлари... Улар ҳар қандай одамнинг кўзини қувонтирарди. Хувайлид уларни Хадичанинг сепига атаган, куёви Атиққа ҳадя этмоқчи эди.

Маккаликлар тўй кечасини интизорлик билан кутарди. Айниқса, тўй камбағаллар учун катта шодиёна эди, улар сўйиладиган жонлиқлар гўштидан, турли ноз-неъматлардан баҳраманд бўлишга ошиқардилар. Қони қайноқ йигитлар эса тўй саҳнасида ўзларининг қиличбозлик борасидаги маҳоратларини намойиш этишни истарди. Тўй тантаналарида Макка бойлари ўзларининг устун жиҳатларини кўз-кўз этиб, кайф-сафо қиларди.

Бу кечани ёшу қари бирдай интиқлик билан кутмоқда. Эркагу аёл тўйнинг қачон бўлишини тинмай суриштиради. Улар ўз либосларини кўз-кўз қилиб, қимматбаҳо тақинчоқларини мақташни, ўз уйлари-нинг кўрки ва бойликлари билан фахрланишни жуда-жуда истайдилар. Яна бошқалари эса Хадичанинг ўз куёвига қандай қимматбаҳо ҳадя бериши билан қи-

инқадилар, ўзларича тахмин қиладилар. Табиийки, келиннинг сепи билан қизиқувчилар ҳам кам эмас эди.

Ҳамманинг тилаги битта: келин-куёв узоқ ва баракали турмуш кечиришсин, ували-жували бўлишсин.

Фотиманинг қўли-қўлига тегмайди – у қизининг тўйини ўйлаб ҳаяжонда, керакли нарсаларни тайёрлашга киришган. Баъзан ҳаёл олиб қочар, “Қизим бошқа хонадонга кўникиб кетармикан, қийналмасмикан?” дея ташвишланарди. Бу ўй, албатта, Хадичада ҳам йўқ эмасди. У умр йўлдоши билан бир-бирини тушунган қолда, тинч-тотув, бахтли ҳаёт кечиришни истарди. Баъзи оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб мурасиизлик деб биларди.

Хадичанинг тўйи бўлаётганидан барча – қўни-қўш-
нилар ҳам, қавмнинг саидлари ҳам хурсанд эдилар.
Иш қари ҳамма тўйда қўшиқ-ялла айтиб, ўйин-кулги
қилишни ўйларди. Ҳар бир қиз келин билан бирга
унинг янги уйига бирга боришни жон-жон деб хоҳлар,
фақат Хадичанинг таклифига илҳақ эди. Хадича бола-
лиги ўтган ота уйига энтикиш билан қарар, сўнг ҳали
ўзи учун нотаниш бўлган янги хонадони, турмуш ўр-
тоғи ҳақида ўйлар эди. У қалбидаги ҳадикни сўнди-
ришга ҳаракат қиларкан, ўз-ўзига деди: “Аллоҳнинг
ҳукмидаги келажакдан қўрқишим нимаси?! Мендан
нима ҳам талаб қилинади?! Албатта, эр-хотин ўрта-
сида дўстлик бўлади-ку. Мен эримга суянчиқ, ёрдамчи
бўламан. Аҳли ва молини кўз қорачиғимдай асраб,
унинг розилигини топишга ҳаракат қиламан. – Бир оз
тин олиб, фикрида давом этди: – Нимадан қўрқяпман
ўзи? Отамнинг уйида барча ишларни ўзим бажара-
ман-ку. У ёқда ҳам тадбир билан иш юритаман. Ақл-

идроким, фаҳм-фаросатим бўлатуриб, нега энди ноқулай вазиятга тушишим, муаммолар туғдиришим, эримни қийин вазиятга қўйишим, унга аччиқ қилишим керак экан?!” Кейин турмуш қуриб, эрлари билан муроса қилолмай, оиласи бузилиб кетган аёлларни эслади. Улар нима учун эрга текканларини, оила қуришдан мақсадлари нима эканини англамаганлар. Ўзидан эса кўнгли тўқ. Келажагига ишонч билан қарар, яқин қолган тўйи ҳақида ўйларди. Онаси тинимсиз эр-хотинлик муомалалари, бурчлари ҳақида гапирар, нимага амал қилиш керагу нимани тарк этиш лозимлигини уқтирар эди. Хадича худди мадраса талабасидек сабоқ олар, бироқ бу сабоқлар ўта жиддий фан – ҳаёт дарслигидан эдиким, синов ва имтиҳонлари ҳам ўзига яраша масъулиятли, мураккаб эди. Бироқ Хадича онасини эшитган сари хотиржам тортар, бу ўғитларни ёддан билишини ўйлаб, кўнгли қувонарди.

Тўй куни Хувайлиднинг ҳовлиси қавм-қариндош, дўст-биродарлар билан тўлиб-тошди. Бани маҳзумлик аёллар Атиқнинг Хадичага юборган қимматбаҳо совғаларини кўтариб келишди. Қурайш аёллари ҳам рангоранг тухфалар билан келдилар. Жонлиқлар сўйилиб, тўйга Макка аҳли ташриф буюрди. Ҳовлида куй-қўшиқ садолари янграй бошлади. Ўша куни ҳаво очик бўлиб, енгил шабада эсиб турарди. Макка аҳли кечани Хувайлид хонадонида кутиб олдилар. Каъбанинг ёнида никоҳ маросими бўлиб ўтди. Одамлар дуолар айтишиб, унинг атрофини айландилар. Сўнг тўйхонада ўйин-кулги қилишиб, алламаҳалда тарқалдилар.

4-ФАСЛ

тўй

Маккада ўйин-кулги авжига чиққан, куй-қўшиқлар юракларни завқу шавққа тўлдираётган ва бу шодиёнага ҳамма шерик бўлаётган чоғда фақат бир кўзи ожиз кишигина сукут сақлаб ўтирарди. У қўшиқ ва рақсларга эътибор қилмас, ўзи билан ўзи овора эди. Хатто тўй соҳиби Хувайлид унга: “Эй Варақа, бу кеча шод-хурамлик кечаси, амакинг қизини узатмоқда, хурсандчиликка сен ҳам шерик бўлсанг-чи”, деб танбеҳ ҳам берди. Бироқ у: “Амаки, биласиз-ку, мен буларнинг баридан узоқлашганман”, деди ним табассум билан.

Ўтирганлардан бири уни масхаралаб: “Эй Варақа, ҳали ҳам ўз фикрингдамисан, сен, яхшиси, Маккадан чиқиб кетганинг дурустроқ. Ўз динини бегона динга алмаштирган бир одамсан-да”, деди. Иккинчиси қаҳқаҳа уриб: “Биз сендан рози эмасмиз. Рус, форс динларини ўрганган битта сенсан. Биз эса кўпчиликмиз. Бут-санамларимиз ҳам Каъбанинг атрофида сон-саноксиз. Биз уларни асраймиз, улар бизни қўриқлайдилар. Бизга неъматлар етказиб, қийинчиликларимизни кетказадилар”, деб қичқирди. Кейин яна бири овозининг борица масхаралаб: “Эй адашган кимса, илоҳларимиз бизга қандай неъматларни ато этганини кўрмайсанми?! Хувайлиднинг қизи Хадича Атиқ ибн Обидга турмушга чиқаётган кечада бут-санамларимиз хур-

сандчилигимизни таъминлаш учун бизга шароб ва таомлар берганини-чи? Қайси йўлга кирган бўлсанг ҳам, тезда қайтгин-да, бизга қўшилиб кайфу сафо қил. Токи бизга қўшилмас экансан, тирик юрганингдан кўра ўлганинг афзалроқ”, деди.

“Эй Варақа, қачондан бери руҳоний, тақводор бўлиб қолдинг? Сенинг шахримизда яшашинг бошимизга кўп бало, фасод келтирадиган кўринади. Ё ота-онанг сенга тарбия бермаганми? Ҳаётимизни барбод қилишни, дунё лаззатларидан бизни махрум этишни хоҳлайсанми?” деди даврадагилардан бири кескин тарзда. Кейин бу сўзларга кўпчилик қўшилди. Варақани масхаралаб, йигитлар роса лаззатланишди. Кексалар ҳам бу мунозарадан роса ҳузур қилдилар. Улар сўзларини тугатгунича, Варақа жимгина эшитиб ўтирди. Кейин қатъий оҳангда деди: “Майли, бугун бизни масхара қилинглар, лекин эртага биз сизни масхара қиламиз. Яқин келажакда орангиздан пайғамбар чиқади. Бут-санамларингизни инкор этиб, залолатга барҳам беради”.

Унинг сўзларини эшитиб, даврадагилар қаҳ-қаҳ уриб, масхара қила бошладилар. “Эй Варақа, у пайғамбар ким? Мабодо, ўзинг эмасми? Ота-боболаримизнинг динини рад этадиган, илоҳларимизни писанд қилмайдиган, эътиқодимизга қарши чиқадиган киши сендан бошқа яна борми?” деб қичқиришди. Ҳаммалари уни: “Ўз аҳлинг эътиқодидан нега қайтдинг? Ўзини тушунмайдиган динларга нега эътиқод қилипсан?” деб маломат қила бошлашди. Гап кўпайгандан кўпайди. Тортишув авжига чиқди. Кейин улардан бири Варақадан қайси қавмдан пайғамбар чиқишини ва у қандай

дин келтиришини сўради. Варақа: “Самовий китобларнинг барчаси ўша пайғамбарнинг юборилиши ҳақида башорат беради. Унинг келишига оз фурсат қолди. У араблар орасидан чиқади”, деди. Улар яна қаҳқаҳа отиб кулишди. “Ваҳийни қабул қилиб олишга ўзингни тайёрлаб туравер. Кўпинча сенга ўхшаган кишиларга пайғамбарлик топширилади”, деб киноя-пичинг аралаш масхаралашда давом этишди. “Мабодо, – деди улардан бири, – бизнинг илоҳларимизни ёмонлаб, уларга қўл теккизадиган бўлсанг, сени Маккадан бадарға қиламиз. Ота-боболаримиз динидан юз ўгириб, бошқа динга эътиқод қилиш қанақа бўлишини ўшанда биласан!” Сўнг гапга Макка саидлари аралашиб: “Бунга лўғри йўл кўрсатаман деб, беҳуда овора бўлмоқдасиз”, дейишди. Улар даврадагиларни жим бўлишга буюриб, қўшиқчиларга ишора қилдилар. Яна куй-қўшиқ садолари баланд янграй бошлади. Тўйга келганлар орасида Макка саидларидан бири Абдулмутталиб ибн Ҳошим ҳам бор эди. У барча қурайшликлар каби шодиёнада иштирок этарди. Абдулмутталиб яқинда уйланган ўғли Абдуллоҳнинг тўсатдан вафот этганини эслаб, кеча қаттиқ қайғурган эди. Лекин бугун хурсанд, ғубори ёзилган. Чунки Абдуллоҳдан зурриёд қолаётганини ўйлаб, кўнгли ёришмоқда. Абдуллоҳнинг хотини Омина бугун ўғил фарзанд туғди. Унга Мухаммад деб исм қўйилди. Одамлар Абдулмутталибни неvara билан муборакбод этишни унутмадилар. Неvarаси Мухаммад ибн Абдуллоҳнинг улғайиб камолга етишини, унинг никоҳ тўйини кўриш ҳам бобосига насиб этишини тиладилар. Абдулмутталиб: “Шундай бўлсин”, дея табассум билан жавоб қайтарди.

Тонгга яқин келин ота ҳовлисида Бани Маҳзум хонадонларидан бирига – Атиқ ибн Обиднинг уйига қараб йўл олди. Одамлар таассуротларини гапира-гапира тарқалишди. Хадича эса янги ҳаёт остонасидан ичкарига қадам қўйди. У келажакда юз бериши, содир бўлиши мумкин бўлган аллақандай хавфни ҳис эта бошлади. Унинг қалбини ғаш қилаётган хавфни фақатгина ғайб эгаси Аллоҳ билар эди.

5-ФАСЛ

ТАҚДИР БИТИГИ

Хадича барча фаҳм-фаросатли, оқила аёллар каби эрининг ҳурматини жойига қўйиб, унга итоат этарди. Бу хонадондан ўзи орзу қилган бахт-иқболни топган эди. Муҳим ишларда у эрига суянчиқ бўлар, керакли маслаҳатлар беришга ҳаракат қиларди. Хадича билан Атиқни ҳамма “бахтли оила” деб таърифлашарди.

Хувайлид қизи билан куёвининг тинч-тотув яшаётганларидан беҳад хурсанд эди. Қизиникига борганида унинг эрига нисбатан ҳурматини кўриб, боши кўкка етар, миннатдор бўлар эди. Фотима ҳам қизи билан фахрланарди. Хадича тўғрисидаги мақтовларни эшитиб, кўнгли роҳатланарди.

Орадан бир йил ўтди. Янги меҳмон – чақалоқ туғилиши билан хонадондаги хурсандчилик янада ошди. Чақалоқнинг ҳозирча отасига ўхшашини, лекин улғайган сари онасига ўхшаб боришини айтишарди. Лекин Атиқ билан узоқ яшаш Хадичанинг пешонасига ёзилмаган эди. Иккинчи йилнинг ярми ўтмасдан Атиқ вафот этди. Ундан ёдгор бўлиб қизчаси қолди.

Курайшликлар Атиқнинг Хадичага кўп мол-дунё қолдириб кетгани ҳақида гапиришарди. Кўплари унинг мол-дунёси ва хусни-насабини ўйлаб, агар рози бўлса, унга уйланишини айтишарди. Атиқнинг вафот этгани-

га кўп вақт ўтмаган бўлса-да, Хувайлид ҳам унинг эрга тегишини истар эди.

Хадича эса турмушга чиқишни истамас, Атиқдан кейин ёлғиз умргузаронлик қилишни ўйлар эди. Ота-онаси яна турмушга чиқариш ҳақида унга сўз қотишга ботина олмасди. Кунлар, ойлар бирин-кетин ўта бошлади. Хадича ҳовлидан ташқари чиқмас, қизчасининг тарбияси билан банд эди. Хувайлид эса уйига келаётган совчиларнинг қадамини тезроқ узиб, қизини эрга беришни хоҳларди.

Бир куни у қизини чақириб: “Энди мотам кийимингни ечмайсанми, қизим? Атиқ вафот этганига кўп вақт бўлди. Тириклигида ҳам, вафот этганидан сўнг ҳам ҳурматини жойига қўйдинг. Ахир, тириклар марҳумлар кетидан ўлиши керак эмас”, деб насихат қила бошлади. Хадича отасига қараркан, кўзлари ёшга тўлди. Синиқ овозда: “Ўз яқинини йўқотган кишига ҳаётнинг нима қизиғи бор?” деб қизчасининг бошини силаб қўйди. Кўзидан ёши дув-дув қуюлар эди.

Хувайлид қизининг кўзёшларини кўриб қаттиқ таъсирланди. “Қизим, ёлғиз аёл бошинг билан эшигингни қулфлаб ўтиргандан кўра, ёнингда паноҳинг бўлса яхши, дейман-да. Эридан ажралиб қолган фақатгина сен эмассан. Ҳаммаси тақдири азалда битилган. Хоҳлаган пайтда бизнинг жонимизни олади. Тақдирга тан бериш керак. Бундай қилишинг яхши эмас”, деб Хадичага таскин ва маслаҳат бера бошлади. Кейин эрларидан ажралган аёлларни бирма-бир санай кетди. Иккинчи марта турмуш қуриб бахтли яшаётганларни ҳам тилга олди. “Қизим, умр ўтиб бораяпти. Мен анча кексайиб қолдим. Мендан кейин дунёда ёлғиз қолиб

қетишингдан қўрқаман. Агар сенинг келажагингдан қўнглим тўқ бўлмаса, бу дунёни қайғу билан тарк этман. Наҳотки, сенга фақат яхшилик соғинадиган отангга итоат этмасанг?! Ёки қароримга қарши чиқиб, гуноҳкор бўласанми?” деди мулойимлик билан. Бир оз тин олгач: “Сенинг қўлингни сўраб келган бир кишига розилик бериб қўйдим. Худо хоҳласа, ундан рози бўласан. Кимлигини билишни истайсанми? У ҳақда аввал ҳам эшитгансан, бой-бадавлат инсон, сахийлиги билан танилган Наббош ибн Зурора Тамимийдир. Қизим, отангга итоат эт ва раҳм қил”, деди. Хадича жавоб қайтармай, ерга тикилиб турарди. Сукут – аломати ризо, деганлар. Хувайлид қизи рози бўлганидан кейингина жойидан жилди.

6-ФАСЛ

ЯНА ЖУДОЛИК

Одамлар энди Хадича бинти Хувайлид билан Наббош ибн Зурора уйидаги интизом ва фаровонликни мақтай бошладилар. Энг яхши аёллар ҳақида гап кетса, Тамимийнинг уйидаги аёл биринчи бўлиб тилга олинарди. Вақт-соати етиб, улар ўғиллик бўлдилар. Унга Ҳола деб исм қўйишди ва кўз қорачиқларидек авайлаб ўстира бошлашди. Хадича эрини “Абу Ҳола”, яъни “Ҳоланинг отаси”, деб чақирарди. Одамлар ҳам унга шундай деб мурожаат қилишарди. Келгуси йили улар яна фарзандлик бўлишди. Исмини Ҳинд деб қўйишди. Аммо Хадичанинг оиласига кетма-кет келаётган бу хурсандчилик узоққа бормади. Кутилмаганда Абу Ҳола вафот этди. Хадича иккинчи марта ҳам бева қолди. У Наббош қолдириб кетган молу дунёга бурилиб ҳам қарамади. Ахир, бу мол-дунё эрини ўлимдан асраб қололмади-ку. Атиқнинг ҳам бойлиги ўлимга монелик қилолмаган эди.

Хадичанинг қайғусига яна бечора ота-онаси шерик эдилар. Отаси ҳар куни Хадичанинг уйига борар, уни юпатишга уринар эди. Қаттиқ бемор бўлиб ётиб қолгач, “Кўп куюнма, ўзингга раҳм қил”, деб қизидан ўтиниб сўрай бошлади. Онаси бир куни: “Ўзингни ўйла-масанг ҳам, фарзандларингни ўйла. Сен вафот этадиган бўлсанг, фарзандларинг кимга қолади?” деб танбех

берди. Онасининг сўзлари Хадичани анча сергак торттирди. Фарзандларини тарбиялашга масъул эканини, иродасига суяниши шартлигини ҳис қилди. Ва кунлардан бир куни отаси уни учинчи марта турмушга чиқармоқчи эканини эшитди.



Хадичанинг уйига яқинроқ жойда Омина бинти Ваҳб исмли аёл яшарди. Турмуш қурганидан бир оз вақт ўтиб эри вафот этган эди. У эрининг ўлиmidан кейин туғилган Муҳаммад исмли ўғли билан яшарди. Бошқа турмуш қурмаган эди. Одамлар уни “сабрили, вафодор аёл” деб таърифлашарди. Ўғли олти ёшга кирган эди. Омина қолган ҳаётини ўғлига бағишлашга сўз бергани ҳақида гап-сўзлар юрарди.

7-ФАСЛ

СИРЛИ ТУШ

Хадича ҳам худди Оминадек фарзандлари билан ёлғиз яшашга қарор қилди. Келган барча совчиларни изма-из қайтарди. Яна тижоратини давом эттира бошлади. Оз фурсатда бойлиги, мол-дунёси жуда кўпайиб кетди. Савдоси бошқаларникидан кўра кўпроқ фойда келтирарди. Кўл остидагилар тижорат сирларини пухта биладиган бу тадбиркор ва оқила аёлнинг хизматида бўлганларидан фахрланишарди. Хадичанинг уйи савдо моллари билан тўлиб-тошган эди. Дўконлари Маккадаги энг машҳур савдо марка-зига айланди. Унинг тижорати ҳар хил иллатлардан холи, нуқсонсиз эди, тарозидан урмас, ҳалол савдо қиларди. Ўша пайтда кенг тарқалган судхўрликдан парҳез қиларди. Бойлиги зиёда бўлгани сари у фа-қир-муҳтожларга кўпроқ эҳсон қиларди. Одамлар унинг муваффақиятларидан, қўли очиқлигидан ҳай-ратга тушардилар.

Бир кеча у тушида ниҳоятда мусаффо осмон ва порлаб турган қуёшни кўрди. Теварак-атроф жуда гў-зал суратда эди. Кейин қуёш осмондан пастга туша бошлади. Яқинлашган сари каттариб, ўзидан нур та-ратарди. У тўғри Хадичанинг ҳовлисига инди. Ҳовли нур билан лиммо-лим бўлди. Кейин нур Макка атро-

фига ёйилди. Сўнг бутун ер юзини ёритди. Хадича уйқусидан уйғониб кетиб, ҳовлиси ва атрофига назар ташлади. Кўшнилари маст уйқуда ётар, ҳовлисида ҳеч нарса ўзгармаганини кўриб, ўрнига ўтирди ва тонг отгунга қадар тушининг таъбири ҳақида ўйлади. Ке-йин айрим хизматчиларини чақириб, амакиси Ва-рақа ибн Навфалникига шошилди. Варақа уни кўриб, таажжуб билан: “Ҳа, Хадича, бунча эрта келишга сени нима мажбур қилди? Бошқалар ҳали уйғонгани ҳам йўқ-ку, тинчликми?!” деб сўради. Ҳали ҳам юз-кўзида ҳайрат ва ҳаяжони сўнмаган Хадича: “Эй амаки, хаво-тирланманг, тинчлик, айтинг-чи, сиз тушлар таъби-рини биласизми?” деб сўради. Кейин кўрган тушини сўзлаб берди. Бу тушни эшитиб, амакисининг юзи ёришиб кетди. Қувонч билан: “Хадича, сен тез кун-ларда эрга тегасан”, деди.

Хадичанинг ҳайрати ошди. “Менинг эрга тегмасли-гимни, ўзимни фарзандларимга бағишлаганимни яхши биласиз-ку. Тушимнинг таъбирини сўрасам, сиз бошқа нарса ҳақида гапиряпсиз. Йўқ, мен эрга тегмай-ман!” деди қатъий қилиб. Варақа табассум қилди-да, яна: “Тез кунларда эрга тегасан, – деди. – Менинг ҳа-зилни ёқтирмаслигимни яхши биласан. Сен бир пор-лоқ қуёшга – одамларни қоронғуликдан ёруғликка етаклайдиган, адашганларни тўғри йўлга бошлайди-ган зотга эрга тегасан. Сен пайғамбарга турмушга чиқасан! У ўзинг ўқиган китобларда башорат қилин-ган, араблар орасидан чиқадиган расулдир. Аллоҳ унга душманлари билан уришганда у билан бирга бўлади-ган солиҳа хотинни насиб қилади. Сен шунга тайёрми-сан? Ўзингни ўша машаққатларга тайёрла. Тушинг се-

нинг ўша пайғамбарга хотин бўлишингни билдирмокда”.

Хадича ғалати ҳиссиётлар билан ҳовлисига қайтди. У ҳақиқат ва шубҳа орасида эди. “Амакимнинг ўз илмига суяниб бу туш ҳақида қилган таъбири рўёбга чиқармикан? Бу улкан қуёш билан у айтган пайғамбар орасида қандай боғлиқлик бор? У пайғамбар араблар орасидан чиқишини қаердан билади? Менинг унга турмушга чиқишимни-чи?” деб ўзи билан ўзи баҳслашар эди. Нима бўлганда ҳам, кўрган туши ва унинг таъбири ҳаёлидан кетмасди. Бироқ бу тўғрида ҳеч кимга ҳеч нарса демади.

8-ФАСЛ

МУРОЖААТ

Яманга жўнатилган карвоннинг қайтиб келишига оз вақт қолган эди. Бир кундан сўнг карвоннинг келатигани ҳақида хабар келди. Хадичанинг ҳовлисида янги юкларни қабул қилиб олиш учун тайёргарлик кўрила бошланди. Янги моллар дўконларга жўнатилди. Ишчиларнинг ҳақи ортиғи билан тўланди. Улар хушмуомала ва сахийликдан хурсанд бўлган ҳолда миннатдорчилик билдириб, хайрлашишди. Хадича дўконидан совға-салом олди-да, қўшниларига улашди. Улар хурсанд бўлишганидан рақсга тушиб ўйнаб бердилар.

Хадича ёзда Шомга жўнайдиган карвонга тайёргарлик кўра бошлади. Унинг хизматига киришни, юкини олиб кетишни истаганлар кўп эди. Ишчилар юкларни тайёрлашар, туяларни ҳозирлаб, иссиқ сахро қўйнида кечадиган машаққатли сафарга сувни ғамлаб қўйиш учун идишларни жамлардилар.

Жўнаш чоғи яқинлашган пайтда Хадичанинг ҳузурига Макка саидларидан бири Абу Толиб ибн Абдулмутталиб ташриф буюрди. Мезбон уни ҳурмат билан кутиб олди, ўтиришга таклиф қилди, карвон ва тижорат ишларидан, фойда ва зиёндан гаплаша бошладилар. Хадича ўз ишлари ҳақида, даромади ва ишчиларига тўлайдиган маоши ҳақида маълумот берди. Абу

Толиб унинг иш юритиш услубини, тадбиркорлигини мактади. Сухбат давомида Абу Толиб нима учун келганини айтишга қулай фурсат топди. Акасининг ўғли Муҳаммад 25 ёшга етса-да, ҳали уйланмаган эди. Тўй қилиш учун унда етарли мол-мулк йўқ эди. У фақир бўлиб, Макка аҳлининг қўйларини боқарди. Агар отаси Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ҳаёт бўлганида, шубҳасиз, Макка саидлари қаторида юрар эди. Начора, тақдир экан. Энди эса Абу Толиб унга чўпонликдан кўра кўпроқ фойда келтирадиган иш топишни маслаҳат берарди. Уйланишга етарли маблағ топишини хоҳларди. Хадичанинг ҳузурига жиянига бирор иш топиларми, деган умидда келган эди. Ўз мақсадини айтишга фурсат топган Абу Толиб: “Эй Хадича, акамнинг ўғли Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳақида қандай фикрдасан? Шомга йўл олаётган карвонга ёрдамлашиш учун уни олмайсанми?” деди. Муҳаммаднинг исмини эшитиб, Хадичанинг юрак уриши тезлашди. Чунки Муҳаммад омонатга садоқати, ростгўйлиги билан ном чиқарган эди. У маккалик йигитларга ўхшамас, кучини фақат яхшилик йўлида сарфларди. Хадича: “Муҳаммад омонатга хиёнат қилмайдиган йигит, лекин у олис сафарларда юриб тажриба орттирмаган-да” деди. Абу Толиб унинг узоқ йўлларда юрганини айтиб, Хадичани тинчлантирди. Сафар борасида унинг бошқалардан кўра кам эмаслигини таъкидлади.

Хадича Абу Толибнинг сўзларини тингларкан, бундан анча йиллар олдинги хотиралари жонланди. Ўшанда Муҳаммад туғилган, бобоси Абулмутталибнинг шодлигига Макка аҳли шерик бўлган, Хадича унда ўн тўрт яшар ўспирин қиз эди. Кейин кўз ўнгиди Абдул-

лоҳнинг никоҳ маросими, кўп ўтмай, у вафот этгач, қаттиқ куйинган Абдулматталибнинг ғамгин чехраси намоён бўлди. Хадича узатилаётган кечада эса Абдуллоҳдан ёдгор қолаётганидан – Оминанинг кўзи ёриб, Муҳаммад исмли набира кўрганидан шодмон қиёфаси жонланди. Кейин Муҳаммаднинг етимликда улғайганини эслади. Отасидан сўнг онасидан ҳам жудо бўлганини хотирлади. Ота-онасиз етим бўлатуриб, шундай ҳалол ва пок инсон бўлиб етишгани учун тасаннолар айтди. Мамнуният билан жавоб қайтарди: “Эй Абу Толиб, уни ўз тижоратимга олишга розиман. Агар ўзинг келмасдан туриб мурожаат қилганингда ҳам таклифингни қабул қилган бўлардим”.

Абу Толиб жуда хурсанд бўлди. Хадичага раҳмат айтаркан, бир зум тин олди ва у ёқ-бу ёқдан гапиратуриб, асосий масалага ишора қила бошлади. Хадича унинг нима демоқчилигини дарров англади. “Кўнглинг тўқ бўлсин, Абу Толиб, албатта, сени қониктирадиган тарзда ҳақ тўлайман. Муҳаммад бошқа ишчиларим билан баробар маош олмайди. Иш ҳақиси уларникидан кўпроқ бўлади. Чунки у шунга арзийди, ўз фазилатлари билан Муҳаммад бошқалардан устундир”.

Абу Толиб Хадичага такрор-такрор раҳмат айтди. Акасининг ўғлига тезроқ хабар бериш учун ундан рухсат сўради. Шитоб билан жиянининг уйига йўл олди.

9-ФАСЛ

УЧРАШУВ

Хадичанинг сўзларини амакисидан эшитиб, Муҳаммад хурсанд бўлди. Амакиси унга Хадичанинг уйига бориши кераклигини айтди. Борди. Кенг ҳовли. Каттаю кичик, эркагу аёл бу ҳовлига кириб-чикиб турибди. Секин эшикдан кирди. Бир ходим унга хоналардан бирига боришини айтиб, йўл кўрсатди. Уйга қимматбаҳо гиламлар тўшалган, девори чиройли нақшлар билан безатилган эди. Бир оз фурсат ўтгач, хонага бир аёл кириб келди. Бағоят гўзал, сочлари узун, юзлари оппоқ, либослари ипакдан, оёғида қимматбаҳо теридан тикилган ковуш, бармоқларида гавҳар узук ва қулоғида дур ҳалқа бор эди. Муҳаммад одоб билан туриб унга салом берди. Хадича ўтиришга изн берди ва ўзи ундан узоқроққа ўтирди. У анча йил олдин кўрган тушини унутган, ҳар ҳолда, у туш хотирасининг аллақайси пучмоқларида қолиб кетган эди. Ўшанда амакисининг ўғли Варақа ибн Навфал тушини таъбир қилиб, унинг эрга тегишини ва эри пайғамбар бўлишини айтган эди. Муҳаммадни кўриши билан негадир ўша тушини эслади.

Куёш ҳовлисига тушганини, уй саҳнини ёритиб юборганини ва бутун олам нурга тўлиб порлаганини тушида эмас, худди ўнгида кўргандай эди. Олдидаги йигит ўша башорат этилган киши эканини ич-ичидан ҳис этди.

Ҳиссиётини жиловлаб, тижорат ва карвондан гап очди. Йигит Хадичанинг сўзларини жим, эътибор билан эшитарди. Унинг сўзлари тугагач, ўрнидан туриб, у билан хайрлашди-да, уйига қараб йўл олди. Хадича Муҳаммадда одамлар мақтаган фазилатлар жамул-жам эканига гувоҳ бўлди. Қалбида унга нисбатан муҳаббат уйғонди. Карвон жўнайдиган куни маошини тўлаб, кўрсатмалар берди. Унга Майсара исмли хизматкорини қўшиб жўнатди. Кейин бошқаларга қўшилиб олишни буюрди. Карвон кўздан ғойиб бўлгунча унинг ортидан қараб қолди.

Муҳаммад ва Майсара ёнма-ён туяларга миниб олишган эди. Карвон тоғу саҳролардан ўтарди. Муҳаммад бундан жуда шод эди. Кечалари осмонга термулиб, Аллоҳнинг қудратига таҳсин айтарди. Кундузлари эса бепоён сахро, қум барханлари, баланд-баланд тоғларга тикилиб юарди. Карвон эса манзилига тезроқ етиш учун жадаллаб борарди.

Хадича ўша тушида кўрган қуёш ва унинг осмондан ҳовлисига тушгани ҳақида ўйлар эди. Амакисининг ўғли айтган барча сифатлар Муҳаммадда мавжуд эканини англади. Ҳа, бу ўша тушида намоён бўлган Қуёшдир. Ўз-ўзини “Эй Хадича, сенга нима бўляпти?! Эркаклардан юз ўтирган, Макка бойларидан, раислардан келган совчиларни рад этган эдинг. Энди эса бу йигитга муҳаббатинг ошмоқдами?!” дея сўроққа тута бошлади.

“Наҳотки яна турмушга чиқсам-а? Наҳотки у пайғамбар бўлса? Амакимнинг ўғли айтган пайғамбар шу йигитмикан? Агар бу бўлмаса, унда бошқа ким бўлиши мумкин?!” У шу янглиғ ўй-хаёлларини, хавотирларини тарқатиб юборишни хоҳлар, кейин яна Муҳаммад ҳақида ўйлар эди.

10-ФАСЛ

НИЯТ

Карвон қайтадиган вақт яқинлашди. Макка аҳли уни кутиб олиш учун тайёргарлик кўра бошлади.

Хадича ўша сирли тушидан ташқари моли ва тижорати ҳақида ҳам жиддий бош қотирарди. Карвон яқинлашган сайин одамларнинг тайёргарлиги ҳам тезлашди. Савдогарларни кутиб олиш учун уйларда тадорик бошланди. Нима олиб, нима сотганларини ҳисоб-китоб қилишга, фойда ва зиёни аниқлашга шай туришарди. Тонг отиб атроф ёришгач, Хадича баъзи бир хизматкорларини олиб, баланд тепаликка чиқди ва карвонни кута бошлади. Хушхабарни биринчи бўлиб етказиш учун жория хизматчилар карвон йўлига қаттиқ тикилиб турарди.

Узоқдан Маккага тезлик билан келаётган карвон кўринди. Хадича юрагининг уриши тезлашганини ҳис этарди. Хизматчиларидан бири тўсатдан: “Эй бекамиз! Ана Муҳаммад! Муҳаммад!” дея қичқирди.

Муҳаммад билан Майсара туяларида келишарди. Уларнинг орқасида юк ортилган яна бир туя келарди. Хадича карвонни кўриб таажжубга тушди. Карвон аҳлининг ҳаммаси қуёш тифида, фақатгина Муҳаммад сояда эди. Унинг устига бир парча булут соя ташлаб турарди. Сояга ҳеч кимни, ҳатто Майсарани ҳам шерик қилмасди. Хадича булут фақат менга кўриняпти, деб

ўйлади. Шунда хизматчилар: “Муҳаммад сояда, одамлар эса қуёш тифида келаётганини кўряпсизми? Эй бекамиз, у қаерда бўлса, булут ҳам унга эргашиб юрибди”, деди. Хадича ҳеч нарса демади.

Муҳаммад уйига қайтди. Майсара эса, Хадичанинг ҳовлисига йўл олди. Хадича дўконига бориб, ҳисоб-китоб қилди. Кўзларига ишонмади. “Қандай қилиб, Муҳаммад бунчалик фойда билан қайтди? Шунча молни қандай қилиб сотишди экан?” дея ҳайратланди. Келтирилган моллар, уларнинг баҳосини кўриб ҳайрати ўн чандон бўлди. “Бу қанақа фойда? Қандай қилиб бунча фойда топдиларинг?” деб Майсарани сўроққа тутди. “Ҳаммаси Муҳаммаднинг шарофати туфайли – деб жавоб берди Майсара. – Биз Бусрашаҳрига етмасдан карвон билан бирга бозорга кирдик. Атрофимизни сотувчилар ўраб олишди. Кўзларига матоҳларимиз чиройли кўриндимиз, қисқа вақт ичида уларни сотиб тугатдик. Муҳаммад жуда чаққон ҳаракат қилди. Ёнимиздаги савдогарлар таажжуб билан қараб ўтиришарди. Ҳатто баъзилари: “Майсара, бу қанақаси, ҳаммамизнинг молимиз бир хил бўлатуриб, фақатгина сизлар сотиб тугатдингиз?!” деб ҳайратларини билдиришди. Ҳа, ҳаммаси Муҳаммаднинг баракоти туфайли бўлди. Сотишда бўлганидек, олишда ҳам Аллоҳ уни қўллади. Сотувчилар молларини негадир унга арзон баҳода беришди. Одамлар Муҳаммаднинг ишини кузатиб, ақли шошди. Ҳа, қиммат сотди ва арзон олди. Баъзи савдогарларимиз таажжуб билан: “Нима бало, сизлар харидор ва сотувчилар билан аввалдан келишиб қўйганмисиз?” дегандек саволга ҳам тутишди”.

Хадича хурсанд бўлиб, Майсарадан йўлда рўй берган воқеаларни батафсил айтиб беришни сўради.

“Мухаммад шаъни улуғ, ҳамиятли инсон. Ҳозир сизга олди-сотди жараёни ҳақида гапириб бердим. Карвон аҳли бунақа хислат ҳаммада ҳам бўлмаслигини, баъзи одамларгагина берилишини гапирдилар. Осмондаги мўъжизани кўрмадингизми? Ҳаво жуда иссиқ эди. Куёш нури оловдан баттар куйдирарди. Маккадан узоқлашгач, кичиккина соя топсак бошимизни яширардик. Лекин Мухаммад қийналмади. Унга осмондан бир парча булут яқинлашиб, то Шомга етгунимизча соя қилиб борди, – деди Майсара. Бекаси юзидаги ҳайратни кўриб бир оз тин олди, сўнг яна сўзида давом этди. – Одамлар бу булутни кўриб, роса ҳайрон қолдилар. Баъзан Мухаммад одамлардан ажралиб, чуқур ўйга толар эди. Фақат савол берсаларгина жавоб қайтарарди. Баъзи бировлар йўл машаққатини енгиллаштириш учун ўйин-кулги уюштира, у иштирок этмас эди”.

Хадича: “Шом шаҳрида Мухаммад нима билан машғул бўлди?” деб сўради.

“Дарахтзор ва боғларни сайр қилди. Ёқимли ҳавосидан баҳра олди. Савдогарлар уюштирган базмларида иштирок этмади. Баъзилар каби кибрланмади. Аллоҳ таолога шукр қилди. Доим тафаккур билан банд бўлди. Одамлар уни қолдириб, ўзлари кўнгли тусаган жойларига кетишди. Карвон қаерда тўхтаса, у ўша ерда қоларди”.

Майсара ҳикоясини бир зум тўхтаб, бекасига синовчан тикилди. Сўнг ҳаяжон билан улкан сирни очётган одамдек гапира бошлади: “Одамлар кутаётган

пайғамбар мана шу йигит эканига ишонасизми? У зоҳир бўладиган вақт жуда яқин қолди, деб айтишяпти...”

Хадича бирдан хушёр тортди. Ҳайрат билан: “Эй Майсара, нималар деяпсан? Бу фикр сенда қаердан пайдо бўлди?” деди.

Майсара Хадичани ҳайратлантириб ушбу гапларни айтди: “Бекам, Шомга яқин жойда – Бусра шаҳрида туялардан тушдик. Мухаммад юкларимиз олдида, дарахтларнинг сояси остида ўтирди. Бу дарахтзор яқинида бир роҳибнинг ибодатхонаси бор экан. Роҳиб Мухаммадни кўргач, мендан, дарахтнинг остида ўтирган киши ким, деб сўради. Унга, қурайшлик йигит деб жавоб бердим. Роҳиб ҳаяжон билан: “Ана шу киши аниқ пайғамбар қилиб юборилгандир. Аллоҳ Таоло тез орада одамлар орасидан бир элчи сайлайди. Дарахтнинг ортида ўтирган киши бўлажак пайғамбардир!” деди.

Хадичанинг ҳайрати ошгандан-ошди. Амакисининг ўғли Варақа ибн Навфалнинг айтганлари рост чиқаётган эди. “Наҳотки, одамлар айтаётган пайғамбарнинг зоҳир бўлишига оз вақт қолган бўлса?” деди ўзига ўзи. Дўконидан қайтгач, Варақа ибн Навфалнинг ҳузурига шошилди. Унга кўрган-эшитганларини ҳикоя қилди. Амакиси ҳаяжон ичра: “Хадича, у бошқаларга ўхшамайдиган инсон”, деди.

Хадича: “У пайғамбар бўлгунича кутиб турайми?” деб сўради.

“Албатта, у пайғамбар бўлади, – деди Варақа. – Унинг сифатлари, ҳусни, хулқи шундан далолат бериб турибди. Аллоҳ унинг мартабасини ҳозирданоқ бошқалардан юқори қилиб қўйди”.

Хадича уйига қайтаркан, бир қарорга келган эди. Барча пайғамбарлик шарафи Муҳаммадга насиб этишини таъкидлаётган бир пайтда имкониятни бой бермасликка аҳд қилди. У бу шарофатли йигитга турмушга чиқишни дилига тугиб қўйди.

11-ФАСЛ

ТАРАДДУД

Хадича яқин орада ер-юзига раҳмат сифатида юбориладиган пайғамбар ҳақида ўйлар эди. Эл ора-сида кенг тарқалган фисқ-фасодга барҳам бериб, инсонлар ўртасида тенглик ўрнатувчи, Байтуллоҳ атрофини ёмонликлардан тозалаб, тинчлик ва омонликни қарор топтирувчи набий ҳақида фикр юритарди. Бу пайғамбарнинг келишига яқин қолганини юракдан ҳис этарди. У тушида ҳовлисига тушиб порлаган, кейин бутун атрофни ёритган Куёшдир. Ким унга турмушга чиқса, буюк фазл эгасига дахлдор бўлади. Парвардигоримизнинг рисолатини ёйиш йўлида ёрдам беради. Табиийки, пайғамбарга ёрдам берса, қўллаб-қувватласа, Аллоҳнинг розилигига эга бўлади. Бу неъмат олдида унинг тижорати, моли ҳеч қандай қийматга эга эмас.

У фақат шундай мақомга эришишни ўйларди. Лекин қандай қилиб унга етишиш мумкин? Бу ҳақда гап очишга ҳаё, андиша тўсқинлик қиларди. Агар таклифни рад этса-чи, унда нима қилади? Турмушга чиқиш таклифи ўзидан чиққанини эшитган одамлар кейин маломат қилишмайдими? Бундай жавобсиз саволлар уни қийнар, лекин бир йўлини қилмасам бўлмайди, деб ўйлар эди у. Бир сирдош дугонаси билан фикрлашгунча ана шундай иккиланишда яшади. Хадича, авва-

ло, сирдошига атаб қўйган совғасини узатди. Муло-
йимлик билан: “Нафиса, тухфам сенга ёқдимиди? Унга
қандай баҳо берасан?” деб сўради. Нафиса қўлидаги
совғани ҳайратланиб томоша қиларди. “Тўғриси, бу
нақа чиройли нарсани олдин ҳеч кўрмаган эдим, –
деди Нафисанинг кўзлари ёниб. – Буни Шомдан Му-
ҳаммад келтирган, шунақами? У чиройли йигит, гўзал-
ликни севади”. Хадича: “У жуда камтар йигит”, деди.
Нафиса фикрини давом эттирди: “У омонатга садоқат,
ростгўйлик билан ном қозонган. У Макка шайтонлари
орасида ўзининг ёшлиги, қуввати, чиройи, насабини
пок тутган Амин эмасми?!”

Бир оз сукут сақлаб тургач, яна Хадичага юзланиб:
“Эй бекам, у савдо ишларингизни бекаму кўст, чирой-
ли бажаряпти. У баракотли йигит. Ким унга турмушга
чиқса, бахтли бўлади”, деди.

Юраги тез-тез ураётган Хадича: “Агар солиҳа бўл-
са...” деб қўшиб қўйди.

Нафиса Хадичанинг кўнглида нима гап борлиги-
ни сизди. Ахир, ҳар қандай қиз унга тегишни орзу
қилади. Бугун камбағал бўлса, эртага бой бўлиши
мумкин. Чунки у етук ақл эгаси, ёмонликлардан
узоқ юради, бундай хулққа эга инсон давлатманд бў-
лишга ҳақлидир.

Нафиса: “Бекам, Муҳаммад ҳақида бирор нарсa ўй-
ладингизми? – деб сўради Хадича кўнглини ёришидан
умидланиб. – У бугунгача ўзи орзу қилган солиҳа аёл-
ни тополмади. Балки у Парвардигорининг амри билан
иш юритаётгандир. Эҳтимол, у Макка аёлларининг энг
гўзали, саховати, заковати ва сабри билан бошқаларга
ўрнак бўлган Хадичага уйланар?! Ахир, ундан афзал

аёлни қаердан топади?! Эй бекам! Муҳаммад бошқа
кимсалар сингари уйланмайди. У юраги тоза йигит,
энг аввало, инсондаги эзгу фазилатларни қадрлайди,
гўзал хулқли умр йўлдоши топсам, дейди”.

“Ёш-чи? Рафиқасининг ўзидан катта ё кичиклиги-
га қарайдимиди?” деб шошилиб сўради Хадича.

“Ёш унчалик муҳим эмас, – деди Нафиса, – муҳими
Аллоҳнинг амрига ризо нафс ва меҳр тўла қалбдир.
Хўш... у билан орангизда неча ёш фарқ бор?”

“Ўн беш ёш”.

“Аёлларга ёшига қараб баҳо берилмайди. Муҳам-
мад бунга аҳамият бермайди, деб ўйлайман. Унга тур-
мушга чиқмоқчи бўлганингизни одамларга сездир-
масдан ўзига айтиб кўрайлик. Агар рози бўлса, Аллоҳ
яхшилиқни ирода қилгани шу; мабодо рози бўлмаса,
ҳеч ким билмай қўя қолади. Биз ҳеч нарсa йўқот-
маймиз”.

Хадичанинг нафас олиши тезлашди:

“Хўш, бу ишнинг бошида ким туради?”

“Ким бўларди, бекам, албатта, мен тураман, – деди
мамнунлик билан Нафиса. – Бу ишга мен кафилман”.

Хадича беҳад хурсанд бўлди. Муҳаммад ҳузурига
бориб, унинг таклифини етказишга розилик берди. Шу
тахлит кечгача гаплашиб ўтирдилар. Хадича улкан
куёш билан боғлиқ тушини унга айтиб берди. Амаки-
сининг таъбирини, сафарда Муҳаммадга ҳамроҳ бўл-
ган Майсаранинг кўрганларини айтди. Айтилганлар-
дан хулоса чиқариб, Нафиса: “Муҳаммад яқинда пай-
гамбар бўлса ажабмас, – деб таъкидлади. – У шунга
муносибдир!”

12-ФАСЛ

КЕЛИШУВ

Оқшом чўкди. Хадичанинг уйидан чиққан Нафиса Мухаммаднинг уйига йўл олди. Рухсат сўраб, ичкарига кирди. Уй соҳибини жимгина хаёл суриб турган ҳолда кўрди. Гўзал юзли, новча ҳам, калта ҳам бўлмаган – мўътадил бўйли, узун қора сочли, чехрасидан нур ёғилиб турган Мухаммадга салом берди. Бехосдан аёлни унинг салобати тутди. Мухаммад унинг саломига жавоб қайтарди-да, мулойимлик билан:

– Хуш келибсан. Бундай бемаҳалда келишга сени нима мажбур қилди? – деди.

– Сафардан соғ-саломат қайтганингни қутлаш учун келдим, – аёл атрофга назар ташлаб, уй ишлари билан машғул бўлган Умму Аймандан бошқа ҳеч кимни кўрмади. – Эй Мухаммад, Умму Айман икковларинг уйда зерикмайсизларми?

– Уйланай десам, камбағалман, қурбим етмайди. Устига-устак, ҳамма хотинлар ҳам сабрли, солиҳа бўлиб чиқмайди. Қолаверса, уйланиш ўйин эмас, жиддий иш. Агар тақдир кулиб боқмаса, мақсадимга етишим қийин. Аллоҳ менга бир солиҳа аёлни рўбарў қилса, унга уйланардим.

Нафиса хурсанд бўлди. Мақсадига эришишига оз қолганини ҳис этди. Умид билан:

– Агар гўзал хулқли, солиҳа аёлга дуч келсанг-у, бироқ ёши каттароқ бўлса-чи? – деб сўради.

– Бундай аёлларнинг маҳри кўплигини яхши биласан-ку! Уларга унча-мунча эркак тенг келолмайди. Улар билан тенглашишга менга йўл бўлсин?

Нафиса мақсадига эришишига аввалгидан ҳам оз масофа қолганини англаб, хотиржамлик билан таклиф қилди:

– Ҳеч қандай маҳрсиз, бой, солиҳа, чиройлик аёл сени хурсанд қилса, нима дейсан?

– Эй Нафиса, қошки шунақа бўлса. Бу аёл ким бўлиши мумкин?

Аёл ҳаяжон билан, паст овозда деди:

– Мухаммад, бу Хадичадир. Хадича бинти Хувайлид...

Мухаммаднинг Хадичага нисбатан мойиллиги йўқ эмас эди. Агар бой бўлганида, унга уйланиши ҳам мумкин эди. Унда чиройли фазилатлар тажассум топганди. Хаёлида Хадичани жонлантираркан, умид билан сўради:

– Бу ишда менга ким кўмаклашади?

– Мен бош-қош бўламан. Сен Хадичага жуда лойиқсан. Мен унга бориб ўзим тушунтираман. Унинг фикрини билишга уринаман. Ўйлайманки, у сенга турмушга чиқишдан бош тортмайди.

Нафиса хурсанд ҳолда ўрнидан турди. У Хадичанинг уйига кўтаринки кайфиятда кириб келди. Мухаммаднинг рози эканини айтди. Қувонганидан Хадича уни ўпиб олди ва унга дўконидан келтириб қўйган қимматбаҳо совғаларни тақдим этди.

Кечани хурсандчилик билан ўтказди. Аллоҳ унга шундай фазл неъматни раво кўраётганидан қувонарди. Тонг отгач, амакисиникига йўл олди.

– Амаки, яна турмушга чиқмоқчиман. Нима дейсиз шунга? – деб маслаҳат сўради ундан.

– Сенга бирор нарса деёлмайман. Агар отанг тирик бўлганида, бирор нарса деган бўларди. Энди ўзинг ёш эмассан, бой-бадавлатсан, Макка саидларидан бирисан. Турмуш қурмасдан ёлғиз яшашни афзал билиб келяпсан... Тағин билмасам, ихтиёр ўзингда.

Хадича амакисининг сўзларини бўлмасдан охиригача эшитди.

– Агар турмушга чиқишга аҳд қилган бўлсам-чи?

Амакиси унга бошдан-оёқ разм солди. Кейин ҳайратланиб:

– Жуда яхши бўлар эди. Жуда ҳам тўғри ўйлабсан. Лекин Хадичага уйланадиган йигит қолдимикан? – деди.

– Турмуш қурадиган бўлсанг, Қурайш йигитлари ичидан ўзингга муносибини танла. Хотинини ҳурмат қиладиган, оиласига меҳрибон, турмушнинг маънисига борадиган йигит Маккада жуда ноёбдир. Агар шундай йигит топилса, у билан турмуш қурсанг бўлади.

– Мен танлаган йигит шундай бир инсонки, турмушни эъзозлайди. Оилани қадрлайди... Лекин жуда камбағал. Бунисига нима дейсиз? – деб сўради Хадича.

– Камбағал, камбағал... – такрорлади ўзича амакиси мулоҳаза юритиб. – Хотинни қадрлайдиган, унинг ҳақларини адо этадиган, турмуш икир-чикирларини фаҳмлайдиган йигитни рад қилмаслик керак. Бойлик

ва камбағаллик Аллоҳнинг измидадир. Агар ақлли киши ҳаракат қилса, бойликка эришиши мумкин. Аллоҳга шукр, сен давлатмандсан. Турмушга чиқмоқчи бўлганинг ким?

– Мухаммад ибн Абдуллоҳ ҳақида қандай фикрда-сиз?

Амакиси баланд овозда жавоб берди:

– Ажойиб, ажойиб... У сенга яхши турмуш ўртоқ бўлади. Унга турмушга чиқишдан бош тортма. Бу таклифни узоқ муддат кутдинг, ахир. Шунча кутганинг рўёбга чиқадиган кўринади.

Хадича хурсандлигини яширмади:

– Кеча тунда совчи жўнатибди. Сизнинг фикрингизни билмасдан туриб, бирон нарса демадим. Нима дейсиз, амаки, сиз розимисиз?

– Аллоҳ узоқ муддат давомида турмуш қуришдан кўнглингни совутиб, мана, сени Мухаммадга рўбарў қилди. Унга ўхшаш йигитлар жуда ҳам оз, қанийди, отанг тирик бўлиб, сенга шундай неъмат ато этилганига гувоҳ бўлсайди. Муносиб, муносиб... – деди амакиси хурсанд оҳангда.



Мухаммад эрталаб уйқудан уйғониб, амакиси Абу Толибнинг уйига келди. Хадичага уйланмоқчи эканини айтди.

– Эй Мухаммад, Хадича рози бўлармикан?

– Ҳа, амакижон, рози бўлди. Камбағалга турмушга чиқишга рози бўлди. У олдин ҳам бойларнинг мол-мул-

ки учун турмушга чиқмаган... Абу Толиб бош силкиб маъқуллади. Мулойимлик билан фикрини билдирди:

– Хадича эрнинг қадрига етадиган оқила аёл. Сени камбағал демасдан, рози бўлибдими, энг аввало, кўзингинг тўқлигини, бағрикенглигингни ўйлаган.

Амакиси унинг Хадича билан турмуш қураётганини қутлади. Мухаммад эса хурсанд бўлиб, шукрлар айтди. Бу хабар тезда бутун Маккага тарқалди. Одамлар бу ҳақда ажабланиб гапира бошладилар.

13-ФАСЛ

ЎЙЛАНИШ

Хадичанинг ҳовлисида тўйга тайёргарлик бошланди. Шунингдек, Бани Ҳошим қавмида ҳам тайёргарлик кетарди. Шу куни кечаси Бани асадлик билан Бани хошимликлар Хадичанинг ҳовлисида тўпланишди.

Кенг дастурхон атрофида, чиройли ва қимматбаҳо гиламлар билан безатилган уйда чордона қуришди. Кексалар тақдир битиги ҳақида гаплашишарди. Босиқлик, вазминлик билан бу ҳикмат ҳақида ўз фикрларини айтишарди. Дастурхонда олтин косаларда турли таомлар турарди. Уларнинг орасида юзидан нур таратиб Мухаммад ўтирарди. Амакиси Абу Толиб эса табрикларни қабул қиларди. Хадичанинг амакиси ҳам меҳмонларга хизмат кўрсатар эди.

Хадичанинг хизматчилари, теваарак-атрофдаги камбағаллар жуда хурсанд эдилар. Улар маза қилиб таом ва мевалардан баҳраманд бўлишди. Мажлис охирлаган пайтда Абу Толиб ўрнидан туриб, одамларга қарата хурсандлик билан мурожаат қилди:

– Бизни Иброҳим ва Исмоил зурриёидан яратган, бизни Каъбанинг хизматчиси, Байтуллоҳнинг қўриқчиси қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд-мақтовлар бўлсин! Эй Қурайш аҳли! Мол-дунёси ниҳоятда кам бўлган акамнинг ўғли Мухаммад ибн Абдуллоҳга Хадича бинти Хувайлид турмушга чиқди. Мол-давлат ўткинчи

нарсадир. Муҳаммад ақлли, доно йигит, одам учун энг катта бойлик шу...

Ҳамма унинг сўзини жим эшитар, бош силкиб маъқулар, Муҳаммадга кўзлари билан “муборак бўлсин” дегандай имо-ишора қилишарди. Абу Толиб сўзини тугатгач, Варақа ибн Навфал ҳам Муҳаммаднинг фазилатларини мактаб, Бани Асад номидан сўзлади. Кейин Хадичанинг амакиси Умар ибн Асад тантанали тарзда Муҳаммад ибн Абдуллоҳга акасининг қизи Хадича бинти Хувайлид турмушга чиққанини эълон қилди. Тўй ниҳоясига етгач, маккалик эркак-аёллар уйларига тарқалишди. Муҳаммад Хадичанинг ҳовлисига кўчиб ўтди. Хадичанинг тижорат ишларига яқиндан ёрдам бера бошлади.

Хадича Муҳаммаднинг инсониятга буюк элчи – пайғамбар бўлишини, одамларни зулматдан нурга етаклашини билар эди. Кунлардан бир куни:

– Эй Муҳаммад, кечанинг кўп қисмини осмон ва юлдузларга қараб ўтказдингиз. Қурайшликлар уйғондиган пайтгача бедор бўлдингиз. Бунинг сабаби нима? – деб сўради.

– Инсон тафаккур этиши, билганларига амал қилиши лозим. Тавфиқ Аллоҳдандир, – жавоб қилди мулойимлик ила, юзидан нур ёғилиб.

Хадича табассум билан:

– Аллоҳга шукр, бизнинг бойлигимиз кўп, – деди.

– Эй Хадича, – деди Муҳаммад, – мен мол-дунёни эмас, амал қилишни хоҳлайман!

14-ФАСЛА

АБУЛҚОСИМ

Кунлар ўта бошлади. Улар бир-бирига қаттиқ муҳаббат қўйди. Муҳаммад Макка аҳлининг маслаҳатгўйига айланди. Бирон каттароқ ишни бошлаш олдидан уни чақиришар, унинг фикрини олмасдан туриб бирон ишга қўл уришмасди.

Кунлар ўтган сайин Хадича фарзанд кўришни орзу қилар, ўрталаридаги муҳаббат мустаҳкам бўлишини истар эди. Турмуш қурганларига икки йил тўлгач, Аллоҳ уларни ниятига етказди: фарзандли бўлдилар. Чақалоқнинг йиғиси ҳовлини тутар, оёқчаларини тинмай ҳаракатлантирар, митти кўзчалари билан ўнг ва чапга қараб қўярди. Унга Қосим деб исм қўйишди. Муҳаммаднинг қалби қувончга тўлди. Хадича ҳам ниҳоятда хурсанд эди. У энди Муҳаммадни Абулқосим деб чақирарди. Одамлар ҳам уни Абулқосим деб атай бошлашди. Қосимнинг туғилганига бир йил тўлмасдан синглиси Зайнаб ҳам йўрғада ота-онасига табассум қилиб қараб ётарди. Хадича Муҳаммадга ўғил-қиз туғиб берганидан хурсанд эди.

Кунлардан бир куни Қосим касал бўлиб ётиб қолди. Даволашга ҳаракат қилишди. Муҳаммад фарзандига маъюс тикилиб турарди. Ўғил вафот этди. Аллоҳнинг иродаси ва қудрати барча хоҳиш-истаклардан устундир. Хадичанинг кўз ёшлари сел бўлди. Кейин Муҳам-

мадга қараб: “Аллоҳнинг ҳукмини ҳеч ким қайтара олмайди”, деди ноилож.

Ой куни яқинлашганда Хадича Парвардигорга илтижо қилиб, ундан ўғил сўради. Руқия туғилди. Парвардигорга яна ёлвориб, кейингиси ўғил бўлишини сўради. Умму Гулсум туғилди. Аллоҳдан ўғил фарзанд билан хурсанд қилишини тилади. Фотима туғилди. У ўғил туғмаганидан ғамгин, хафа бўлди. Фақат Муҳаммаднинг қизларини қаттиқ севиши унинг ғамини ари-тар, енгиллатар эди.

Эрининг тафаккурга ғарқ бўлиши, самоларга тикилиши, Аллоҳга шукр қилиши кун сайин ошиб борарди. У одамлардан узилиб, кўп вақтини узлатда ўтказарди. Уйда ўзининг хужраси бор эди. Биргаликда 14 йил яшашди. Ундан бирор марта ёмон сўз эшитмади.

Муҳаммаднинг ёши қирққа яқинлашган сайин юзида кундан-кунга пайғамбарлик аломатлари зиёда бўла бошлади. Сўзларида пайғамбарона маъноларни илғаш мумкин эди. Бир куни уйқудан уйғонгач, кўрган тушини айтди. Кўп ўтмасдан унинг туши амалда зоҳир бўлди. Хадичанинг қувончи ортди. Эрининг пайғамбарлигини кўриш орзуси кучайди. Унга бўлган меҳрибонлиги янада ошди. Ўзининг қалбан покланаётганини ҳис қилди.

Муҳаммад Маккадаги баланд, чиқиш қийин бўлган Хиро тоғини танлади. Йилда бир ой ўша ерда ибодат қиладиган бўлди. Рамазон ойида керакли ун, туз ва ёғ олиб, ўша тоғ сари йўл олди. Машаққатли йўл босиб, чўққига кўтарилди. Баланд чўққидаги ғорда ўзига жой ҳозирлади. Одамлардан узилди. Дунё ҳою ҳавасларидан узоқлашган ҳолда Аллоҳга юзланди. Турмуш

бақир-чақирларидан, шовқин-суронларидан юз ўтирди. Одамларнинг ёлғончилиги, иккиюзламачилиги, бемаъни сўзларидан йироқлашди. Инсон ва Аллоҳ орасида парда бўладиган ҳар қандай нарсани тарк этди. Рамазон тутагач, Хадичанинг ҳузурига қайтди. Бир ой давомида машаққат чеккан эди. Рафиқаси унинг чарчоғини ёзиб, хурсанд этишга ҳаракат қилди. Ширин, мулойим сўзлар билан унинг оғриқларини аритишга киришди. Хиро тоғида у билан бирга бўлиб, баланд чўққиларни кўришни орзу қилди. Осмондаги юлдузларнинг сокин жимир-жимирини, юлдузларнинг учишини томоша қилгиси келди. Бир ой мобайнида эри билан бирга бўлишни хоҳлади. Келаси йилнинг рамазони ҳам яқинлашди. Хадича сафар жабдуқларини тайёрлашга киришди. Муҳаммад олдинги йилдагидек Хиро тоғига йўл олди. Бу йил уни ширин сўзлар, ўзгача меҳрибонлик билан кузатиб қўйди. Кўнглини ойдинлик чулғади: у интиқлик билан кутган кунлар яқин қолган эди. Аллоҳдан ўша кунларда ҳам пайғамбарнинг ёнида бўлишни сўрарди.

15-ФАСЛ

ИЙМОН

Хадича Мухаммадни илоҳиёт йўлида шижоатлантириш билан бирга тижоратини ҳам давом эттирарди. Уйда бўлсин, ғорда бўлсин – Мухаммадга қаттиқ боғланиб қолган эди. Агар у ғорда бўлса, тезда соғиниб, унинг олдида боришга талпинарди. Бир марта ўша ўнқир-чўнқир йўллардан баланд тоққа чиқди. Эрига далда бериб ортга қайтди. Чунки Мухаммад бир сахар ғайритабиий овоз эшитиб қўрққанини, қаттиқ изтиробга тушганини айтган эди. Агар уйга келиш вақтидан кечикса, хизматкорларини жўнатиб, кўнгли тинчланарди. Хадича рисолатни интизорлик билан кутарди.

Рамазон кечаларидан бири эди. Мухаммад одатдагидек Хиродаги ғорда ибодат, тафаккур билан машғул. Чор-атроф қоронғулик пардаси билан қопланган. Макка ҳам зулмат қўйнида. Биргина чироқнинг хира нуридан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Гўёки битта юлдуз ерга тушган эди. Мухаммад осмонга қараб, теран мусаффоликни ҳис этар, қалби самога ошиқ эди. Хадича эса уйда кўз юммас, негадир кўнгли ғаш, юраги зиддиятли ҳислар билан лиммо-лим эди. Кўз олдидан ваҳимали нарсалар ўтарди. Хадиги кучайиб, тонг отмасиданоқ баъзи хизматчиларини олиб, ўша ғор томон йўлга тушди.

Таёкка суяниб, тоққа чиқа бошлади. Чиққач, ғорга қаради. У ерда Мухаммадни тополмади. Қаттиқ ваҳимага тушиб, “Қани у? Қаерга кетган бўлиши мумкин?” дея зир югура бошлади. Теварак-атрофда ҳеч ким кўринмасди. Кейин хизматкорлар билан водийга тушди. “Қаерга кетди экан?” дея ўзаро маслаҳатлашдилар. “Балки уйга кетгандир?” деди кимдир. Уйга шошилдилар. Бироқ у уйда ҳам йўқ эди. Хавотири ошиб ўйга толди. Кейин ўзига таскин берди: “Балки водийга ўтгандир?!” Ходимлар водийда ҳам топишолмаганини, ҳеч жойни қолдирмасдан кўрганларини айтишгач, “Тоққа бориб қидиринглар”, деб буюрди. У ғорга иккинчи марта ҳам бормоқчи бўлиб турган эдики, оёқ товушларини эшитди. Мухаммад ҳовлига кириб келаётган эди. У ниҳоятда қўрқиб кетган, ваҳима ичида эди.

– Мени ўраб қўйинглар! Мени ўраб қўйинглар! Тезроқ! – дер эди.

Уни ўзи айтганидай ўраб қўйишди. Хадича жимгина унинг нафас олишини эшитиб ўтирди. То кўзини очмагунича олдидан кетмади. Кейин устини очди. Терга ботиб, хўл бўлиб кетган кийимларини алмаштирди. Ёнига ўтириб меҳрибонлик билан сўради:

– Эй Абулқосим, қаерда эдингиз?

Пайғамбарликни қабул қилаётган буюк зот оҳиста жавоб бердилар:

– Билмайман, Хадича, нима бўлаётганини ўзим ҳам тушунмадим. Қўрқиб кетдим. Кўрганларимни сенга айтишдан ҳам қўрқаман. Одамлар мени ақлдан озган, жинни, дейишади. Мен ақл бовар қилмас нарсани кўрдим.

Хадича табассум билан:

– Эй Абулқосим, Парвардигор сизни ҳеч қачон хафа, ғамгин қилиб қўймайди. Сиз заифларга ёрдам берувчи, мусофирларни ҳурмат қилувчи, ҳақиқат тарафида бўлувчи кишисиз. Нега энди Раббингиз сизни хафа қилсин?! Сиз яхши, эзгу нарсани кўргансиз, – деди. Муҳаммад алайҳиссалом бошидан кечирганларини ҳикоя қила бошладилар:

– Ғорда осмонга қараб турган чоғимда кўзимга бир нарса кўринди ва рўпарамга келиб тўхтади. Одамларга ўхшамайдиган, бундай латиф жисмни илгари ҳеч ҳам кўрмаган эдим. Кўрқиб қалтирай бошладим. Нигоҳ ташларканман, қичқириб юбормоқчи бўлдим. Кучли бир овоз эшитилди. У менга нидо қилиб: “Эй Муҳаммад! Ўқинг!” деди. Мен ўқишни билмайман, дедим. У баланд овозда иккинчи марта такрорлаб “Эй Муҳаммад, ўқинг!” деди. Мен яна, ўқишни билмайман, дедим. У овозини баландлатиб учинчи марта ҳам: “Ўқинг!” деди. Мен: “Нимани ўқий?” дедим. У мулойим овоз билан:

أَقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ (۱) خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ (۲) أَقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ (۳) الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ (۴) عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ

(Яратган зот бўлмиш Парвардигор номи билан ўқинг. У инсонни лахта қондан яратган. Сизнинг Парвардигорингиз қаламда ёзишни ўргатган ўта қарамли зотдир. У зот инсонга билмаган нарсаларини ўргатади), деди. Ўқиганимдан кейин эса кўздан ғойиб бўлди. Бор кучимни жамлаб, тоғдан Байтуллоҳ томон шошдим...

Хадича:

– Эй Абулқосим, бу каломда қўқув-вахима эмас, ҳаловат ва яхшилик бор. Бу башарнинг сўзи эмас. Айтинг-чи, у кейин қаерга кетди? – деб сўради мулойимлик билан.

– Осмонда иккинчи марта кўриниб, баланд овозда: “Эй Муҳаммад, мен Жаброилман. Сиз Аллоҳнинг пайғамбари ва расулисиз”, дедилар.

– Табарокаллоҳу, табарокаллаҳул кабийрул мутъал (Аллоҳ баракотли, буюқдир), – деди Хадича. Кейин: – Хушхабар, эй Абулқосим, хушхабар. Сиз одамлар кўпдан бери кутаётган, Аллоҳнинг расулисиз, – деди. Ухлаб, дам олишини айтди. То кўзлари юмилиб, уйқуга кетгунча ёнларидан жилмади. Ки-йимларини олиб, амакиси Варақа ибн Навфалнинг ҳузурига ошиқди. Унга бўлган воқеани айтиб берди. Варақа ҳаяжон билан:

– Муборак! Муборак, Хадича, эринг ўша кутилган пайғамбардир. Олдинги пайғамбарлар каби, унга ҳам Жаброил фаришта келган. Илоҳий вазифасини бажаришда унинг ёнида тур, қўллаб-қувватла, ёрдам қил, – деди. У бир оз тин олгач, сўзида давом этди: “Эй Хадича, бу йўл жуда узун ва машаққатлидир. Уни қўллаб-қувватламасанг бўлмайди.

Хадича Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳузурларига Варақа айтган сўзларни етказишга шошилди. У киши ҳали уйғонмаган эдилар. Секингина ёнларига ўтирди. Қалтираётганини, пешонасидан тер оқаётганини кўриб, уйғотмоқчи бўлди. Бироқ сабр қилиб, пича кутишни афзал билди. У зот кўзларини очди. Худди бир

нарсани эшитаётгандек жим ётар, гўё ниманидир кўраётгандай эдилар. Хадича оҳиста:

– Эй Абулқосим, ухлаб роҳат олдингизми? – деди.

– Роҳатланадиган вақт ўтди, Хадича. Менга Жаброил жидду жаҳл билан одамларни залолатдан ҳидоятга чақиришимни буюрди, – дедилар Расулуллоҳ. Сўнг оҳиста: – Каломуллоҳни эшитасанми? – дедилар ҳаяжон билан.

Хадича хурсанд бўлиб, эшитишга чоғланди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳозиргина нозил қилинган ваҳийни тиловат қила бошладилар:

يَا أَيُّهَا الْمَدِينَةُ ۝ (۱) قُرْ فَأَنْذِرِ ۝ (۲) وَرَبَّكَ فَكَبِّرْ ۝ (۳) وَبَابَكَ فَطَهِّرْ ۝ (۴)
وَالرَّجْزَ فَاهْجُرْ ۝ (۵) وَلَا تَمْنُنْ تَسْتَكْثِرُ ۝ (۶) وَلِرَبِّكَ فَاصْبِرْ

(Маъноси: Эй либосларига бурканиб олган зот! Турингда инсонларни охират азобидан огоҳлантиринг! Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг. Либосларни пок тутинг! Бутлардан йироқ бўлинг. Бераётган нарсаларни кўп санаган ҳолингизда эҳсон қилинг. Ёлғиз Парвардигорингиз учун сабр қилинг.)

Хадича Аллоҳнинг оятларини тинглаб, ўзича қайтарди. Аллоҳ йўлида курашга тайёр эканини ҳам изҳор этди. Расулуллоҳни қўллаб-қувватлашда куч ва молини аямасликка азму қарор қилди.

– Хадича, яқинда мен Аллоҳнинг амри билан одамларни Ислом динига даъват қиламан. Ҳақ йўлига чақираман. Энг тўғри йўлга чорлайман.

Хадича надомат ила деди:

– Лекин бу қавм адашган йўлидан қайтармикан?! Фиску фасод ичида эсини таниганлар “қадрдон” раҳна-моларини тарк этишармикан?!

– Хадича, табиийки, улар бизга қарши бўладилар. Ўртамиздаги кураш қачон, қаерда тугашини билмайман.

Хадича Аллоҳнинг каломидан ҳали-ҳамон таъсирланаркан, ушбу оятларни ўқиди:

فَإِذَا نُفِرَ فِي الْأَقْصَارِ ۝ (۸) فَذَلِكَ يَوْمَئِذٍ عَسِيرٌ ۝ (۹) عَلَى الْكَافِرِينَ عَذَابٌ

(Маъноси: Чунки қачон (Қиёмат қойим бўлгани ҳақида хабар бериб) бурғу чалинганида, ана ўша Кун қийин Кундир! Кофирларга осон бўлмаган (Кундир)!)

– Эй Муҳаммад, Раббингиз буюрганидек сабр қилинг, юраклардан ботилни суғириб олиш машаққатли ишдир. Ҳақ билан юборган Зот сиз билан. У сизга ёрдам, қувват беради. Ҳеч қачон сизни унутмайди. Сизни ўзи юбориб, Сиротол мустақимга ҳидоят этдими, ўзи қўллаб-қувватлайди, – деди Хадича. Кейин овозини баландлатиб эътироф этди: – Мен сизга биринчи бўлиб имон келтираман. Гувоҳлик бераманки, сиз Аллоҳнинг расули ва ҳақ пайғамбарисиз. Ўзимни, мол-жонимни Аллоҳ йўлига бағишлайман.

Расулуллоҳнинг юзлари қувончдан порлаб кетди. Кейин уйларига ўтиб, самога тикила бошладилар. Тонг отишига яқин қолган эди.

16-ФАСЛ

МАККАДАГИ ГАП-СЎЗЛАР

Тонг отди. Хадича уйқудан эрта уйғонди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан-да олдинроқ уйғониб, Каъба тавофига чиқиб кетган эдилар. Варақа ибн Навфал ҳам сахар пайти Каъбани тавоф этаётган эди. Расулуллоҳни кўриб, боши осмонга етди. У зотни қутлаб, сабот билан иш бошлашга чорлади. Сўнгра қавмидан етиши мумкин бўлган азиятлар ҳақида сўзлади. Қурайшликлар ҳам Каъбани ўз билганларича тавоф қилиб юришган эди. Баъзилари Варақа айтган сўзларни эшитди. У кетгач, Расулуллоҳдан Варақа нима деганини сўрай бошладилар. Расулуллоҳ уларга қараб:

– Кечаси менга ваҳий келди, – дедилар. Қурайшликлар бир-бирларига маъноли қараб олишди. Кейин улардан бири сўради:

– Эй Мухаммад, сенга ваҳий жўнатган ким экан?

– Мен ва сизларни йўқдан бор этган, осмонлар ва ерни бино қилган, тош у қум, сув ва дарахтларни яратган Аллоҳ менга ваҳий юборди.

Иккинчиси қичқирди:

– Нима сабабдан Раббинг сенга ваҳий юборди?

– Инсонларни ҳақ йўлга даъват этию, фасод ва залолатдан қайтаришим, ҳидоятга чақиришим учун ўз амрларини менга нозил қилди. Ҳаётингизнинг фиқс-

фасодга ботганини кўрмаяпсизми? Уни ўзгартириш вақти келди.

Улардан бири қаҳқаҳа отиб, масхараомуз пичинг қилди:

– Тушундик, билдик мақсадингни. Сен кутилаётган пайғамбар номидан гапирмоқчисан. Эй Мухаммад, билиб қўй, сендан олдингилар ҳам роса даъват қилиб ҳеч нарсага эришолмаган, халқни ортидан эргаштиролмаган. Масхара ва азиятдан бошлари чикмай, ниётларига етолмасдан ўтиб кетишган. Агар ҳозир айтган гапларингдан қайтмасанг, сен ҳам ўшалар каби ҳақирликка, машаққатга юз тутасан, бошингга боло орттириб, азият остида қоласан...



Хадича хизматчилари, дугоналарини тўплаб, эрига келган пайғамбарлик хабарини айтди. Аллоҳ унга ваҳий юборганини сўзлаб берди. Пайғамбар ҳақидаги гапларни ҳайрат билан тинглаган аёллар бу янгиликни эрларига етказишга шошилдилар. Оз фурсат ўтмасдан бу хабардан кўпчилик огоҳ бўлди. Кўплар бу янгиликни масхара ва истехзо билан қабул қилишди.

“Нима учун Мухаммад бирдан буни хоҳлаб қолди? Унинг бирор марта ёлғон гапирганини билмаймиз. Ростгўйлигини ҳамма тан олади. Хадича-чи? У ҳам оқила аёл сифатида танилган. Мухаммаднинг сўзларига у нима деди экан?”

Ўзларича муҳокамага тушиб кетишган эди улар. Кейин Хадичани маломат қила бошлашди. Уни жинни бўлиб қолган, ақлдан озганга чиқаришди. Бироқ баҳс

сўнгида бу фикрга қарши чиққан, унинг эсдан озганини рад этувчилар ҳам бўлди. Хуллас, бу янгилик ҳаммани ўйлантириб қўйди.

Хадичанинг ҳовлисида аёллар тўпланиб, юз бераётган ғайритабиий воқеаларни суриштира бошлашди. Хадича уларга ҳаммасини бирма-бир айтиб берди. Расулуллоҳга нозил қилинган Қуръон оятларини қират қилди. Хотинлар унинг оқила, сўз устаси эканини яна бир карра эътироф этишиб, кўрган-эшитганларини эрларига айтишга ошиқдилар. Улар ҳар куни Хадичанинг ҳузурида тўпланиб, янги ваҳийларни сўрашга одатландилар.

Тўсатдан ваҳий келиши тўхтади. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам оят нозил бўлишини кутардилар. Хадичани ўй босди: “Аёлларга қандай жавоб берсам экан? Ваҳий келиши тўхтаган бўлса... Наҳотки, Аллоҳ ўз пайғамбарини тарк этса?!” Ўзини, молини ҳақ йўлига бағишлаган Хадича бу шарафдан айрилиб қолишдан кўрқар эди. У Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламни юпатиб: “Яқин орада яна ваҳий нозил бўлади, Аллоҳнинг фазли кенгдир”, деб таъкидларди. Лекин ваҳий нозил бўлмади. Расулуллоҳ алайҳиссалом ғамга ғарқ бўлдилар. Хадича у зотнинг кўнгилларини кўтаришга уринар, далда бериб, илҳомлантирар эди. “Эй Аллоҳнинг расули, хафа бўлманг, қаҳратондан сўнг баҳор, ғамгинликдан кейин шодлик келгусидир. Аллоҳ ирода қилса, яна ваҳий келгай”, деб таскин берарди. Аллоҳдан ўз пайғамбарига раҳм қилишини, ундан ғамгинликни кетказишини ўтиниб сўрай бошлади. Кейин Расулуллоҳга юзланиб, ноумид бўлмасликка чақирди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам жим

бўлиб қолдилар. Пешоналаридан тер чиқа бошлади. Қалтироқ тутди. Ниҳоят, ваҳий нозил бўлган эди. Хадича: “Эй Абулқосим, Раббингиз сизни тарк этгани ва холи қолдиргани йўқ”, деди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам мамнуният ила табассум қилдилар. Кейин нозил қилинган оятларни Хадичага ёқимли, баланд овоз билан тиловат қилдилар:

وَالضُّحَىٰ ① وَاللَّيْلِ إِذَا سَجَىٰ ② مَا وَدَّعَكَ رَبُّكَ وَمَا قَلَىٰ ③ وَلَلْآخِرَةُ خَيْرٌ لَّكَ مِنَ الْأُولَىٰ ④ وَلَسَوْفَ يُعْطِيكَ رَبُّكَ فَتَرْضَىٰ ⑤ أَلَمْ يَجِدْكَ يَتِيمًا فَآوَىٰ ⑥ وَوَجَدَكَ ضَالًّا فَهَدَىٰ ⑦ وَوَجَدَكَ عَائِلًا فَأَغْنَىٰ ⑧ فَأَمَّا الْيَتِيمَ فَلَا تَقْهَرْ ⑨ وَأَمَّا السَّائِلَ فَلَا تَنْهَرْ ⑩ وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ ⑪

(Маъноси: **Чошгоҳ вақтига қасам;** (Ўз зулмати билан чор-атрофни) **қоплаб-ўраб олган кечага қасамки;** (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), **Парвардигорингиз Сизни тарк этгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқдир.** Албатта, охират сиз учун дунёдан яхшироқдир. **Яқинда Парвардигорингиз сизга (шундай неъматлар) ато этурки, сиз (у Илоҳий марҳаматлардан) рози бўлурсиз.** (Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Парвардигорингиз) **сизни етим ҳолда топгач, бошпана бермадимиз? У зот сизни гумроҳ-ғофил ҳолда топиб, (Хай Йўлига) ҳидоят қилиб қўйди-ку! У зот сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилиб қўйди-ку! Бас, энди сиз ҳам етимга қаҳр қилманг! Сўрагувчи – тиланчини эса (бирон нарса бермасдан) ҳайда-**

манг! Ва Парвардигорингизнинг (сизга ато этган пайғамбарлик ва бошқа барча) **неъмат**и ҳақида (кишиларга доимо) сўзланг!)

Расулуллоҳнинг юзларидаги ҳаловатни кўриб, Хадичанинг қувончи чексиз эди. Ўз қисмати, тақдирдан хотиржам бўлди. Сўнгра нозил қилинган оятлар ҳақида фикрлай бошлади. Аллоҳ инсонларни охиратга яхши амалларни тайёрлаб қўйишга чақиради. Расулига инъом этган неъматларни зикр этади. Етим ва мискинларга меҳрибон бўлишни буюради. У Аллоҳнинг оятларини ўйлаб, табассум қилди. Расулуллоҳ ҳам унинг шодлигига шерик бўлдилар. Унга қараб:

– Эй Хадича, Аллоҳ ҳуснингни зиёда қилсин. У сени менга насиб этди. Могу жонинг билан мени бой қилдинг. Шу онда бу менга эслатилганини эшитмадингми? – дедилар. Хадичанинг кўзларидан ёш қуйлиб келарди.

– Молим ҳам, жоним ҳам Аллоҳ ва расули учундир. Эй Аллоҳнинг пайғамбари! Аллоҳ буюрган ишга киришинг. Мен сиз билан биргаман. Аллоҳ ҳаққи биргаман.

17-ФАСЛ

МЎМИНЛАР ОНАСИ

Расулуллоҳга яна оятлар нозил бўлди. Хадича эшитиб, хотинлар жамоасига етказиб турди. Аллоҳ пайғамбарига таълим бера бошлади. Расулуллоҳдан энг биринчи бўлиб таълим олиб, амал қила бошлаган инсон Хадича эди. Каъбага бориб, ҳар томондан ёғилаётган таҳқиру масхараларга сабр қилган, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиган ҳам Хадича бўлди. Расулуллоҳнинг даъватига оқил инсонлар эргаша бошлади. Макканинг баъзи бузурглари ҳам имон келтирди. Лекин имон келтирганларнинг аксариятини камбағал ва бечоралар ташкил қиларди. Аллоҳ бу динни ҳамма инсонлар бирдай бахтли яшашлари учун юборганини тушундилар. Ислон инсонни фиску фасоддан қайтаришини англадилар. Расулуллоҳнинг даъватларига биринчи бўлиб “лаббай” деб жавоб берган, имон келтирганлар – ўз оила аъзолари, яъни, қизлари бўлди. Лекин бу ҳол Хадичага янги-янги муаммоларни туғдирди, унинг машаққатига машаққат қўшилди. Негаки, куёвлари имон келтирмади. Макка бошлиқлари янги диннинг кучайиб кетишидан хавфсираб, уни қабул қилганлардан шикоят қила бошлашди. Шу боис ким бу динга кирса, азоб бериб, Ислондан чиқаришга, ўзларининг аввалги динларига қайтишга мажбурлар, агар аёллар қабул қилган бўлса, эрларига

айтиб гижгилардилар. Хадича қизларини бу қийинчиликдан қандай қилиб озод этиш, уларга зулм қилаётган эрларини инсофга чақириш ҳақида ўйларди. Кошки Макка мушриклари мусулмонларга азоб беришни тарк этса-ю, кеча-кундуз улуғлаб сиғинадиган бут-санамларидан юз ўгириб, Аллоҳни парвардигоримиз, дейишса, деб орзу қиларди. Мазлумларни қўлаб-қувватлаш, очларга овқат бериш унинг зиммасида эди. Ҳовлиси озор-азият етган мусулмонларнинг бошпанасига айланганди. Курашиш учун у доим тайёр турарди. Кўнгли тубидаги ниятига етказишни сўраб, Аллоҳга илтижо қиларди. Туғиш ёшидан ўтган аёл эди, лекин “қизларимнинг укаси бўлсайди”, деб орзу қиларди. Турмуш ўртоғига ўғил туғиб беришни жуда-жуда истар эди. Ислон неъматларига эриштиргани каби, бу неъматга ҳам етказишни Аллоҳдан сўрар эди. Илтижолари рўёбга чиқиб, кўп ўтмай ҳомиладор бўлди. Аллоҳдан ўғил фарзанд сўраган эди. Ўғил туғилгач, боши осмонга етди. Расулуллоҳ унинг ёнида эдилар. Ўғил эканини билгач, кўзлари ёшга тўлиб: “Эй Абулқосим, исмини нима қўямиз?” деб сўради. “Абдуллоҳ қўямиз, Хадича, Абдуллоҳ қўямиз”, дея сасландилар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад... Муҳаммад ибн Абдуллоҳ... Муборак исмлар! Дунёга келган янги меҳмон покиза, яхши муҳитда – ислонда туғилди. Хадичани қариндош-уруғлари муборакбод қилишди. У камбағалларга эҳсон, мухтожларга саховат улашди. Ҳамма ишини қўйиб, ўзини Абдуллоҳга бағишлади.

Аллоҳ хоҳлаган нарсасини олади, Унинг хоҳишини рад этиб бўлмайди. Туғилганидан сўнг кўп ўтмай,

Абдуллоҳни ҳам даргоҳига қайтариб олди. Хадича ва қизлари маҳзун бўлишди. Расулуллоҳ маънос бўлган Хадичага мулойим овоз билан насихат қилдилар: “Эй Хадича, Аллоҳ яхши кўрганини ҳузурига чорлади. Сенинг бир қавмга ёки Абдуллоҳга эмас, балки жамики мўминларга она бўлишингни ихтиёр қилди. Бу шараф сени хурсанд қилмайдими?” Сўнг унинг кўзларидан оқаётган ёшларни Расулуллоҳ муборак қўллари билан артдилар ва: “Эй Хадича, охират дунёдан яхшироқдир”, дедилар. Кейин Аллоҳнинг “Албатта, сиз учун охират дунёдан яхшироқдир. Яқинда Парвардигорингиз сизга ато этурки, Сиз рози бўлурсиз”, оятларини ўқидилар. Оятларни эшитиб, Хадича онамининг қалблари юмшади. Аллоҳнинг ҳукми ва ҳикматига рози бўлди. Расулуллоҳ: “Эй Хадича, биз Аллоҳнинг ҳузурига қайтажамиз. Чақирган пайтида “лаббай” деб жавоб беришимиз керак. Рабингга ваъда берганинг курашга ҳозирлан. Йўл узоқ ва машаққатларга тўла”, дедилар.

18-ФАСЛ

КУРАШ

Курайш саидлари йиғилиб, Расулуллоҳнинг даъватларини муҳокама қила бошладилар. У зотга эргашганларни кўриб қолсалар, масхара қилишар, қаттиқ ҳақоратлаб, дилларига озор беришарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали Макка раисларига очиқ мурожаат қилмаган эдилар. Ким эргашишни истаса, махфий равишда даъват қилардилар. Ислом динига кираётганлар сони кундан-кунга зиёда бўла бошлади. Хадича онамизнинг ҳовлилари улар учун бошпана эди. Бу жой яширин даъватнинг бошланғич нуқтаси бўлди. Шу муддат мобайнида мусулмонлар озору азиятлардан қочиб, намозларини Макка тоғлари орасида ўқидилар. Бирор мўминнинг ҳовлисига бекиниб, ўзларини ҳимоя қилдилар. Бир-бирлари билан пичирлаб гаплашардилар. Курайш зодагонларининг кўзидан иложи борица яширинишга уринардилар.

Кунлардан бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадича онамизнинг олдиларига безовталанган ҳолда кириб келдилар. У зотга нимадир бўлганини сезиб, яқин бориб, мулойимлик билан: “Тинчликми? Нима бўлди?” деб сўради.

– Раббим менга қариндош-уруғларимни, Курайш саидларини Исломга даъват қилишимни буюрди, – деб ушбу оятларни қироат қилдилар:

وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ ﴿٢١٤﴾ وَخُفِضَ جَنَاحُكَ لِمَنِ أَتَبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٢١٥﴾ فَإِنْ عَصَوْكَ فَقُلْ إِنَّي بِرِئَاءٍ مِّمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٢١٦﴾ وَتَوَكَّلْ عَلَى الْعَزِيزِ الرَّحِيمِ ﴿٢١٧﴾ الَّذِي يَرِنَكَ حِينَ تَقُومُ ﴿٢١٨﴾ وَتَقَلُّبِكَ فِي السَّجَدِينَ ﴿٢١٩﴾ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ

(Маъноси: Яқин қариндош-уруғларингизни огоҳлантиринг, сизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паноҳ тутинг. Бас, агар улар итоатсизлик қилсалар, у ҳолда айтинг: албатта, мен сизларнинг амалингиздан покдурман. Азиз ва меҳрибон Зотга таваккул қилинг. У сизни ёлғиз ҳолингизда ҳам, сажда қилувчилар орасида ҳам кўриб турар. Шак-шубҳасиз, у эшитгувчи ва билгувчидир).

– Эй Расулуллоҳ, дарҳақиқат, яқинларингизга Парвардигорингизнинг рисолатини етказиб, уларни охират хавфидан огоҳ қилишингиз лозим. Аллоҳнинг каломини тинглаб, Унинг буйруқларига итоат этишлари нур устига нур бўлади. Аллоҳнинг фазлига етишиш барча учун энг муҳим вазифадир. Албатта, бу даъватга энг аввало қариндошларингиз ҳақлироқдир...

Расулуллоҳ алайҳиссалом унга вазмин нигоҳ ташладилар.

– Улар яқинда бизга қарши аёвсиз уруш очадилар. Бизнинг кулимизни кўкка совуришни хоҳлайдилар. Чунки баъзиларининг ўғиллари, қариндошлари, қуллари Ислом динига киргани учун тиш қайраб юрибдилар. Айш-ишратларига, тинч, аммо лойқа ҳаётларига Ислом дини раҳна солмоқда, деб биладилар. Шундай экан, бу динга уларни даъват қилсам, нима қилишлари

аниқ-ку. Бор кучларини тўплаб, яширин даъватлари-мизга ҳам шикаст етказишни бошлайдилар. Уларга кучимиз етмайди.

Хадича онамизнинг юзида қатъият зоҳир бўлди:

– Сиз ҳақ дин ва тўғри йўлга чақирувчи эмасми-сиз? Аллоҳ сиз билан бирга, сизни тарк этиб ёлғиз қолдирмайди. Парвардигор буюрганидек уларни имонга даъват этинг. Уларнинг ҳузурида Куръон оятларини қироат қилинг. Шоядки, Аллоҳ каломини эшитгач, қалблари юмшаб шайтондан юз ўгириб, Аллоҳнинг мукамал динига кирсалар. Аксинча бўлса, Парвардигорингиз золимлар учун азоб-укубат ёғдирувчидир.

Шу гапларни айтгач, Хадича онамиз меҳмонлар учун дастурхон ёзмоқчи бўлди. Расулуллоҳ эса уларни зиёфатга чақиришни, шу асно илоҳий бурчини бажаришни ният қилди.

Эрталаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам меҳмонларни зиёфатга чақиргани чиқдилар. Хадича онамиз таом тайёрлашга киришдилар. У Пайғамбаримизнинг даъватларига бошлиқлар “лаббай” деб жавоб беришини, ҳақ динга киришларини истар эди. Эрталабки нонушта пайтида қавм Хадича онамизнинг ҳовлисида жам бўлишди. Ўтиришиб молу дунёдан, савдо-сотикдан сўзлашди. Бироқ асосий масаладан гап очилганда – Расулуллоҳ даъват қила бошлаганларида улар эшитишни исташмади ва қаттиқ ғазабланиб, ҳовлидан чиқиб кета бошлашди. Расулуллоҳ Хадича онамизнинг олдида келиб:

– Кўрдингми, Хадича, улар куфр ботқоғига ботган, ҳаргиз бу динни қабул қилишмайди. Ахир, улар ўзла-

рини бошқалардан баланд тутадилар. Молу дунёсида фақирлар, мискин ва ожизларнинг ҳаққи борлигини ўйлон қилган динни улар қандай қабул қилсин?! – дедилар.

Хадича онамиз таскин берди:

– Эй Расулуллоҳ, ноумид бўлманг, сиз уларни яхшиликка чақирдингиз. Ҳидоят топсалар, ўзлари учун яхши. Рад қилсалар, ўзларига азоб бўлгусидир. Иккинчи марта даъват қилишингизга ким, нима монелик қилади?!

– Макка аҳлининг ҳаммасини чақириб, Аллоҳнинг буйруқларини етказаман! – дедилар Расулуллоҳ қатъий тарзда.

Бир куни эрталаб туриб Сафо тоғига чиқиб, баланд овозда нидо қилдилар:

– Эй Курайш аҳли! Эй Курайш аҳли!!

Эшитганлар қизиқиб, у зотнинг олдида шошилдилар, нима демоқчи эканини сўрадилар.

Парвардигор амри билан Аллоҳнинг фарзларини уларга етказмоқчи ва Унинг ғазабидан паноҳ тилаш ниятида эканини айтдилар. Уларни ҳеч қандай авлоди ва шериги бўлмаган, яккаю ягона Аллоҳга ибодат қилишга чақирдилар. Жоҳиллар масхара қила бошлашди. Амакиси Абдул Уззо эса:

– Куриб кетгур, шунинг учун роҳатимизни бузиб, бизни бу ерга чақирдингми?! – деди ғазаб билан. Шу асно таҳдид қилиб уни масхаралаётган амакисига жавобан ваҳий нозил бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг олдида баланд овоз билан уни қироат қилдилар:

تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ ① مَا أَغْنَىٰ عَنْهُ مَالُهُ وَمَا كَسَبَ ② سَيَصْلَىٰ نَارًا ذَاتَ لَهَبٍ ③ وَأَمْرَاتُهُ حَمَّالَةَ الْحَطَبِ ④ فِي جِيدِهَا حَبْلٌ مِّن مَّسَدٍ

(Маъноси: Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай – ҳалок бўлгай! (Аниқки) у қуриди – ҳалок бўлди! Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ! Яқинда унинг ўзи ҳам, пишиқ толадан (эшилган) арқон билан ўтин орқалаган хотини ҳам (ловуллаб турган) аланга – дўзахга киргай.)

Бу жавобни эшитгач, одамлар бир-бирига қараб кулиб, Абдул Уззони калака қилишга тушдилар. Гўё уларни шайтон қитиқларди. У бу лақабни рад этар, жаҳли қўзиб, ўзини камситилган, ҳақоратланган деб ҳисобларди. Одамлар такрор-такрор “Абу Лаҳаб, Абу Лаҳаб” деб кулишарди. Улар ўзларини кулгидан тўхта-толмас, унинг хотинига янги сифат берилганини айтиб масхара қилишарди:

– Ҳаммаалатал ҳатоб.

Бу илоҳий танбеҳ чақмоқ янглиғ шиддат-ла бутун Маккага тарқалди. Эркагу аёл, каттаю кичикнинг оғзида янгради. Табиийки, бу гаплар Абдул Уззо, яъни, Абу Лаҳаб ва унинг хотини Умму Жамилнинг қулоғига ҳам бориб етди. Роса аччиқландилар. Умму Жамил, Муҳаммад ва Хадичадан ўч оламан, деб Лот ва Уззога қасам ичди. Улар бир-бирларига яқин жойда истиқомат қилишарди. Аёллар уни ҳадеб масхаралайвергач, жаҳли қўзиб эрига қичқирди:

– “Пишиқ толадан эшилган арқон билан ўтин орқалаган хотин”, деб лақаб қўйган Муҳаммаднинг дасти-

дан дод! Бугундан бошлаб бу ҳовлида ё мен, ёки Хадичанинг иккита қизи яшайди.

Сўнг ўғилларига қараб захрини сочди:

– Муҳаммад оналарингга нима деб лақаб қўйганини эшитдингларми? Ё мени, ё Хадичанинг қизларини дейсизлар!

Ўғиллари ўйланиб, тараддудга тушиб қолишди. Абу Лаҳабнинг ғазаби тошиб, таҳдид билан уларга бақира бошлади:

– Муҳаммаднинг қизларини талоқ қилмасаларинг, отангиз эмасман. Сизлар билан орамиздаги меҳр-шафқат ришталарини узиб, ўлсам ҳам норози ҳолда ўламан.

У сўзини тугатар-тугатмас Умму Жамил Руқия билан Умму Гулсумни ҳақоратлаб, лаънат айта бошлади. Кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. Ноилож қолган ўғиллар мажбуран хотинларини талоқ қилишди. Бу хабарни эшитган Хадича онамиз қўллариини самога кўтариб, Аллоҳнинг фазлига – қизларини Абу Лаҳаб ўғиллари чангалидан қутқарганига шукроналар айтди. Расулulloҳ ҳам Аллоҳга шукр дея, қизларининг Абу Лаҳаб ва хотинининг ёмонликларидан халос бўлганидан хурсанд бўлдилар. Чунки улар орасидаги уруш, душманлик тугамаслигини Расулulloҳ яхши билар эдилар. Бу жохил эр-хотиннинг макр-ҳийлалари ҳали узоқ давом этишини сезардилар.

19-ФАСЛ

ҚУРАЙШ ИЧИДАГИ ТАНГЛИК

Расулulloҳ билан Қурайш аҳли ўртасидаги кураш кундан-кунга кескинлашиб борарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даъватларини ҳамон давом эттирардилар. Бу ҳолни четдан кузатган Қурайш саидларининг пайтавасига қурт тушарди. Улар тезда бирон чора кўрилмаса, бу дин чуқур илдириб кетишидан қўрқардилар. Шунинг учун ҳозирдан рисолатнинг пайини қирқиш керак, деб ўйлаб бошладилар.

Абу Лаҳаб билан унинг хотини Расулulloҳга душман эканини очиқ эълон қилишди. Умму Жамил Хадича онамизнинг ашаддий душманига айланди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушриклар сиғинаётган бутлар бирор нарса яратишга ҳам, уларнинг дуо-илтижоларини эшитишга ҳам қодир бўлмаган, жонсиз тошлар эканини бот-бот таъкидлар эдилар.

Қурайшликлар: “Бут-санамларимизни Мухаммад масхаралади, илоҳларимизни ҳақорат қилди”, деб оёққа турдилар, “Мухаммаднинг даъватига чек қўймасак бўлмайди”, деб ўзаро аҳдлашдилар. Шоирлар: “Биз ўз шеърларимизда уни ҳажв қилиб, устидан куламыз; фикрларини ҳақоратлаб, масхара қиламыз; бу шеърлар қўлма-қўл тарқалгач, одамларга таъсир қилиб, ундан кўнгли қолишади”, дейишди.

Қисса айтувчилар: “Биз одамлар орасида юриб, кўҳна қиссаларни уларга маҳорат билан айтиб берамиз. Бу қиссалар Қуръондан кўра чиройлидир. Ва одамлар биз билан машғул бўлиб қолади”, дедилар ишонч билан.

Савдогарлар эса: “Уни ва унга эргашганларни тижоратдан суриб чиқарамиз. Ҳаёт кечириши қийинлашгач, улар динларини тарк этиб, эски ҳолига қайтишади”, дейишди муаммони осон ҳал қилгандек.

Абу Лаҳаб Расулulloҳга ён қўшни эди. Бундан фойдаланиб, уларга тинчлик бермасликка, Хадича онамизни безовта қилишга, ораларини бузишга аҳд қилди.

Хадича онамиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни шижоатлантириб, даъватларини ёйишда ёрдам берар, бу йўлда асло мол-мулкини аямас, буни эса Абу Лаҳаб билан хотини яхши билар эди. Жоҳил эр-хотин ўзаро режа тузиб олишди.

– Яқинда бизга қарши сўзлаш қанақа бўлишини унга кўрсатиб қўяман. Ваҳий қанақа бўлишини, Сафо тоғида Қуръон ўқиш нималигини кўзига кўрсатаман, – деди жини қўзиб Абу Лаҳаб. Хотини ҳам:

– Мен билан ўйнашиш қанақа бўлишини билмайди у. Мухаммад “менинг бўйнимга боғланган арқон” қанақа бўлишини кўриб, бир пушаймон бўлсин, бир пушаймон бўлсин, – дея шанғиллай бошлади. У Хадича онамизнинг ҳовлисига қараб тишларини ғижирлатар, бор овози билан додлар эди:

– Эй Хадича, ё сен бу ердан кўчиб кетасан, ёки биз... Бугундан бошлаб сенга тинчлик бермаганим бўлсин!

Кейин амалий ишга ўтишди. Сахар пайти Хадича онамизнинг остонасига ахлат тўкиб кетишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ташқарига чиқиб, нопок нарсаларнинг сочилиб ётганини кўрдилар ва Хадича онамизнинг олдиларига қайтдилар.

– Бу ишни қилган Абу Лаҳабнинг хотинидир. Хадича, бу ҳали бошланиши, – дедилар. Хадича онамиз эшикка чиқиб, у ерда сочилиб ётган ахлатларни кўрдилар.

– Эй Расулуллоҳ, уни тезда тозалайман, – деб, тезда икки қизларини чақирди ва ахлатларни супуришни буюрди. Бу пайт Абу Лаҳабнинг хотини пойлаб турар, ғазаби қўзиб, қўшниси билан жанжаллашишга баҳона ахтараётган эди. Гарчи у ҳаддидан ошган бўлса-да, Хадича онамиз унинг ҳийла-найранглари жавобсиз қолдирди. Уларнинг қилиқларидан кўз юмиб, ҳақоратларини эшитмасликка ҳаракат қилар, иложи борича мулойим ва ширин сўз бўлишга уринар эди. Хизматчилари жохилларнинг ўзларига ва молларига ўлим тилаб, баддуо қилмоқчи бўлишганида, уларга танбеҳ бериб тўхтатди:

– Мусулмон билан номусулмоннинг ўртасида қандай фарқ бор? Агар биз ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтарсак, афв этилмаймиз. Бизнинг дуоларимиз қабул қилинмайди, мағфиратга эриша олмаймиз. Динимиз амрларини адо этиб, Пайғамбаримиз суннатига амал қилган бўлмаймиз. Бундай озор-азиятларга сабр қилишимиз лозим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйга қайтгач, Абу Жаҳл билан Абу Лаҳаб келишганини,

ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб кетишганини айтиб бердилар.

– Уларнинг сўзларини шамол ҳавога учиради (яъни беҳуда кетади), сўкинишлари эса ўзларининг зарарига гадир, – дедилар Пайғамбаримиз.

Қурайшликлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ишлари кун сайин ривож топиб, у кишига эргашувчиларнинг сони кундан-кунга кўпаяётганини кўришарди. Абу Лаҳаб, Абу Жаҳл, Умму Жамилнинг қаршиликлари иш бермаяпти, энди жиддий чора кўрмасак бўлмайди, деб ўзаро маслаҳатга йиғилишди. Баъзилар: “Унга мадад бераётганларни ўлдириш керак”, деди. “У ким, қандай қилиб ёрдам беряпти?” Амакиси Абу Толибми? Ҳа... Агар у Мухаммаддан воз кечмаса, биз ундан воз кечамиз. Яна бир киши бор. Унинг энг яқин ёрдамчиси. Бу Хадичадир. Унга ёрдам бераётган, моли-жони билан қўллаб-қувватлаётган ўша аёлдир. У Мухаммаднинг айтганларини тарқатмоқда. Унга эргашганларни совға-салом билан тақдирламоқда. Исломга кирганларнинг кўпи доимо Мухаммаднинг ёнида бўлиб, уни мудофаа этаётганини кўрмаяпсизларми? Мухаммадни сеҳргар демаганмидик?! Хадича ҳам у билан бирга сеҳр-жоду қилмоқда... Агар уни тўхтатмасак, Мухаммаднинг сеҳрини синдира олмаймиз”.

Кимдир савол ташлади: “Бунинг учун нима қилишимиз керак?” Ҳалиги киши пичирлаб жавоб қилди: “Абу Толибни Мухаммаддан узамиз. Таҳдид қилиб, Хадичани ҳам ундан ажратамиз. Агар бу икковининг ёрдами кесилса, Мухаммаддан қутиламиз”.

Кўпчилик бу фикрни маъқуллади. Сўнг ишга киришдилар. Абу Толиб: “Акамнинг ўғлидан ҳаргиз воз кечмайман, айтаётган сўзлари деб уни тарк этмайман”, деб жавоб қайтарди. Энди улар Абу Толибнинг вафотини кута бошлашди. Агар у вафот этса, Мухаммад Хадича билан ёлғизланиб қолади, деб ўзларини ишонтирар эдилар. Жоҳиллар асло тинч туришмасди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашганларни ўлдиришга қарор қилишди. “Шундан сўнг одамлар ўлимдан қўрқиб, янги динга киришмайди, ёрдамчилари уни тарк этиб, яккаланиб қолади, даъват этишга ҳеч кимни тополмайди ва иши шу билан тугайди”, дея гапни бир жойга қўйишди. Улар Маккадаги мусулмонларга азоб бера бошлашди. Уларни қуёш тифида ётқизиб қўйиб, баданига қизитилган темир босишар, катта-катта тошларни кўкракларига бостириб қийнашарди. Кўпларини қоронғу ҳужрага қамаб қўйиб, оч ва ташна қолдиришарди. Бечоралар ҳолсиз, ҳушларидан кетиб қолишар, лекин аҳдларидан қайтмасди. Бу машъум томошага эркаклар билан бирга хотинлар ҳам келардилар. Охир-оқибат мусулмонлар Маккадан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Негаки, кофирлар уларни кўриб қолса, албатта, қаттиқ қийноққа солишарди.

Хадича онамиз бу курашда сабр-тоқат, сабот билан турар эди. Жабрланганларга таскин-далда бериб, уларни янада шижоатлантириб, нусрат ва сафар хушхабари билан уларга руҳ бағишларди. У мусулмонларнинг азобланаётганини кўриб хафа бўлар, жоҳил ҳужаларидан мусулмон қулларини сотиб олар, уларни озод қилиб юборар эди. Қурайшликлар унинг тижо-

рат ишларини ҳам сиқиб қўйишди. Улар бу билан ҳам қаноатланмай, Хадича онамизнинг ҳовлиси атрофида санғиб юришар, болалари билан бирга қичқириб, унга азият етказишар эди. Расулуллоҳни ҳам масхараб, кўнгилларига озор беришарди. Пайғамбаримиз саҳобаларига етаётган азиятларни кўриб, уларнинг узоқроқда бўлишини маъқул кўрдилар. Мўминларни Ҳабашистон юртига ҳижрат қилишга буюрдилар. Хадича онамиз бу амрдан жуда хурсанд бўлди. Сафар жиҳозларини тайёрлашда уларга ёрдам кўрсатдилар. Қизи Руқия куёви Усмон ибн Афвон билан ҳижрат қилишга аҳд қилганини эшитиб, хурсандчилиги янада зиёда бўлди.

– Эй Усмон, Аллоҳ сизларга барака берсин. Соғ-саломат етиб боринглар. Токи Аллоҳнинг изни бор экан, биз шу ерда яшаб турамыз.

Ҳижрат қилаётган мўминлар Маккадан қоронғу кечада чиқиб кетишга қарор қилдилар. Хадича онамиз уларни дуо қиларди. Қизлари Руқиянинг икки чеккасидан ўпиб, куёви билан манзилга соғ-омон етиб боришларини тилади. Улар кўздан ғойиб бўлгунларича ортларидан қараб қолди. Сўнг уйига қайтиб, қурайшликлар яна қандай хийла-найранг ўйлаб-топишлари ҳақида хаёл суриб қолди...

20-ФАСЛ**ҚАМАЛ**

Муҳожирлар денгиз соҳилига етиб келишди. Тезроқ бирор кема келса-ю, жўнаб кетишса. Қурайшликлар ортимиздан таъқиб қилмасин деб, қараб-қараб қўйишарди. Ниҳоят, улар кемага миниб жўнаб кетишди. Бундан хабар топган Қурайш аҳли уларга етиб олишга шошилдилар. Уларнинг соҳилдан узоқлашганини билишгач, ғазаблари тошиб ортга қайтдилар. “Бирор йўлини қилишимиз керак? Нимани кутяпмиз?” деб айюҳаннос сола бошлашди. Ўзаро маслаҳатга йиғилишди. Баъзилари Муҳаммадни, айримлари эса Ҳадича билан Абу Толибни ўлдираминиз, дейишди. Бошқалари рад этиб, улар билан бирга Бани Ҳошим ва Бани Абдулмутталиб аҳлини ҳам йўқ қилармиз, дея мунозарага киришди. Охир-оқибат уларни қамал қилиб, озиқ-овқатдан маҳрум этишга қарор қилдилар. Улар очдан ўлишади ёки машаққатларга чидолмасдан, Муҳаммаддан узоқлашадилар, деб ўйлашди. Мусулмонлардан ҳеч нарса олмаслик ва уларга ҳеч нарса сотмасликка; уларга аралашмасликка; қиз бериб, қиз олмасликка аҳд қилишди. Бу ҳақда бошқаларга ҳам мактуб битиб, хабар қилишди. Кейин бу мактубнинг бир нусхасини Каъба деворига осиб қўйишди. Ўз навбатида Бани Ҳошим ва Бани Абдулмутталиб аҳли ҳам тўпланиб, ўзларига нисбатан ре-

жалаштирилаётган қабихликларга қарши туриш, ўлсалар ҳам, Муҳаммадни тарк этмаслик бўйича аҳд-наймон қилдилар. Улар кофирлардан ажралиб, бир водийда алоҳида яшай бошладилар. Ҳадича онамиз ҳам имкони борича ёрдам бериб, улар билан бирга бўлди, сафларига қўшилди.

Қурайшликлар бозор кезишарди. Улар Маккага келаётган карвонга кўз-қулоқ бўлиб, мусулмонларга ҳеч нарса сотмасдилар. Муҳаммад сафдошларининг бирортаси мол сотаётган бўлса, ундан ҳеч нарса сотиб олмасликка тарғиб қилишарди. Уларни масҳара қилиб, бозордан чиқиб кетишга мажбур қилишарди. Бани Ҳошим ва Бани Абдулмутталиб аҳлига Абу Лаҳаб билан унинг хотинигина қўшилмади. Расулulloҳга нисбатан адоватлари боис бозор оралаб: “Муҳаммад сафдошларидан ҳеч нарса сотиб олманглар ва уларга ҳеч нарса сотманглар” деб қичқирар эдилар. “Улар боис савдодан зарар кўрасиз”, деб ўқтиришарди. Кимки Бани Ҳошим ва Бани Абдулмутталиб аҳли билан маслакдош бўлса, уларга яхши муомала қилинмайдиган бўлди. Уларнинг озор-азитларидан ҳадиксираб, ҳеч ким бозорга яқинлашмай қўйди. Водийда истиқомат қилишаркан, мўминларнинг барча егуликлари тугаб бўлди. Эркагу аёллар барг ва ўтларни истеъмол қилишга ўтдилар. Улар бу қаҳатчиликка чидар, бироқ болалар қаттиқ қийналар эди. Норасидаларнинг йиғиси олис-олислардан ҳам эшитиларди. Лекин бу ҳол ҳам Макка мушрикларига ҳеч қандай манфаат келтирмади. Ҳадича онамиз водийдагиларни сабр-тоқат қилишга чақирарди. Ўзлари ҳам сабр қилардилар. Гарчи Қурайш

аҳли улардан узоқда бўлса-да, Хадича онамиздан кўрқар эдилар. Шу боис қамални баттар кучайтирдилар. Чунки Хадича онамиз бошчилигида овқат қилинаётганини мушриклар билиб қолдилар.

Бир оқшом Абу Жаҳл бир боланинг буғдой кўтариб кетаётганини кўриб қолди. Бола кўлидаги еманни қоронғу кечада водийга етказишга шошиларди. Унинг ортидан бир мушрик эргашиб борарди. Абу Жаҳл болани тутиб олди ва ғазабланиб ҳалиги кишига қарата: “Анавилар билан орани очик қилишга сўз бермаганмидинг?! Силласи куриб динларидан қайтгунларигача муомала қилмаймиз, деб келишмаганмидик?!” дея бақириб кетди. Ҳалиги киши масҳараомуз оҳангда: “Мен Хадичадан қарз олган эдим. Шунини қайтариб бермоқчиман, холос. Ахир одам олган қарзини қайтариб бериши керак-ку. Ё сен буни билмайсанми?” деди.

Абу Жаҳл қичқирди: “Ҳамма нарсанинг ортида Хадича турибди. Яқинда уни ҳам, оиласини ҳам ўлдирамиз”.

У ана шундай аччиқ-тизиқ гапларни айтаркан, Қурайш раисларининг олдига шошилди. Хадичага қарши бирор чора кўришни ўйлай бошлади.

Қамал уч йил давом этди. Хадича бор мол-дунёсини чин юракдан инфоқ-эхсон қилди. Эркакларнинг қалбига шижоат, аёлларнинг кўнглига хотиржамлик, сокинлик бағишлаб, сабрга чақирди. Ниҳоят, Аллоҳ бу синов даври – қамалнинг якун топганини аён қилди. Мусулмонлар кўпдан буён қадам босмаган ҳовлиларига қайтиб келдилар. Хадича розияллоҳу анҳо ҳам машаққатли тўсиқларни енгиб, ўз уйига қайтди. Бирок

кофирларнинг фисқ-фужури, фитнаси ҳали тугамаган эди. Улар яна душманчилик қилишни ўйлардилар. Мусулмонлар мушрикларнинг турли-туман ёмонликларини унутишмаган эди. Наҳотки, улар туфайли охирига нафасларигача мусофирлик заҳматларига юз тутишса?! Йўқ, дейишди қатъий, энди улар мақсадларига эриша олмайдилар...

21-ФАСЛ

ҚАЙТИШ ВА ҚАСД

Узоқ айрилиқдан сўнг Хадичанинг ҳовлисида яна ҳаёт жонланди. Гўё қоронғу зулматдан кейин ёруғлик порлагандай бўлди. Онамизнинг дугоналари ҳол-аҳвол сўраб кела бошлашди. Уч йил мобайнида хайр-баракадан узилиб қолган аёллар яна уни йўқлашди. Уларнинг кўзидан қувонч ёшлари оқар, қалблари эса кофирларга нисбатан нафрат билан тўлган эди. Ҳовли мусулмонларнинг қароргоҳига айланди. Қуръон оятларини ўрганмоқчи бўлганларга Расулulloҳ таълим берганидек сабоқ бера бошлади. Мусулмонлар анча беҳавотир бўлиб қолдилар. Айниқса, Пайғамбаримизнинг амакилари Ҳамза ибн Абдумутталиб билан Умар ибн Хаттоб Исломни қабул қилгач, мусулмонлар бирмунча жонландилар. Улар билан дин ҳам қувватланди.

Мусулмонларнинг қамалдан соғ-саломат қайтиши мушрикларни ҳайратга солди. Улар Муҳаммад алайҳиссалом билан издошларининг очликдан ўлишларига қаттиқ ишонган эдилар. Мусулмонлардан қутулиб, тинчгина яшаймиз, деб ўйлашган эди. Лекин Аллоҳ таолонинг қудрати билан қамал тугади. Мусулмонлар ундан эсон-омон чиқдилар. Бу хабар бутун араб жазирасига тарқалди. Ҳамманинг оғзида шу гап, ҳамма ҳайрон эди. Бу ҳол Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳнинг

инояти мўл эканига далил эди. Парвардигори у зотнинг дуоларини қабул қилганини барча эътироф этди.

Расулulloҳнинг даъватларини қабул қилаётган одамлар сони борган сари ошиб борарди. Ишчилар яна Хадича онамизнинг ҳузурига қайтиб, тижоратни йўлга қўйдилар. У киши Ислом нури шиддат билан ёйилаётганидан хурсанд эдилар.

Мушриклар Хадича онамизнинг ҳовлилари олдида пойлоқчилик қилишарди. Абу Лаҳаб билан унинг хотини мусулмонларнинг кириб-чиқишини мунтазам кузатарди. Уларга яқинлашиб, ўз адоватларини намоён қилишарди. Кеч кириб, тўшакка чўзилишаркан, уйку ғолиб келиб киприклари бир-бирига қоришиб кетарди, бироқ зум ўтмай кўзлари ярқ этиб очиларди. Ахир, мусулмонлар ўқиётган Қуръон тиловати Хадичанинг уйидан баралла эшитилиб турса, улар қандай қилиб ухласин?! Ҳар бир оят уларнинг юрагига ўқдай қадалса, қандай қилиб хотиржам ёта олишсин?! То Қуръон тиловат қилинарсан, улар ҳовлига чиқиб мусулмонларга яширинча қулоқ беришдан чарчамадилар.

Бир кеча Хадича онамизнинг ҳовлисида тонггача суҳбат давом этди. Абу Лаҳаб ва хотини ҳам ухлай олмасдан уларни пойлаб ўтиришди. Тонг отгач, Абу Лаҳаб Қурайш аҳлини эшитганларидан хабардор қилишга отланди. У захрини сочар, бақирар, аммо кечаси ухламагани боис кўзлари юмилиб-юмилиб кетар эди. “Эй қавмим! Қачонгача жим турамиз? Бизлар шу ерда яшаб туриб нима учун томошабин бўлиб туришимиз керак?! Тоқатимиз тоқ бўлди-ку. Сабр косамиз тўлди. Бирон йўлини қилайлик, ахир!”

Унинг жазавази тутиб бақира бошлади. Бошқалар уни тинчлантирмоқчи бўлганида, баттар ғазаби тошди: “Хадичага қўшни бўлганларингда билардинглар. Озгина бўйнингни чўзиб қарасанг, Мухаммад динининг ривож топаётганини кўрасан... Имкониятни бой беряпмиз. Жим туришимиз, сўкиб ҳақорат қилишимиз фойда бермади. Қамал қилишимиздан ҳам наф бўлмади. Сўнгги нафасимизгача курашамиз”.

Улардан бири “Эй Абдул Уззо, ахир Мухаммад акангнинг ўғли-ку”, деди. У бўғилиб: “Қариндошликни уздик. Мухаммад билан орамизда боғлиқлик қолмади. Мухаммаднинг дастидан Абу Толиб билан ҳам ака-укаликни уздим. Хоҳлаган ишларингни қилавeringлар. Нима бўлганда ҳам, бу алангани ўчириш керак. У Маккадан бошқа тарафларга ҳам ёйилаётганини кўрмайпсанларми? Бошқа қабилалар ҳам Мухаммаднинг динига кириб бораётгани наҳотки сизларни ташвишга солмаса?! Абу Толиб сусткашлик қилиб, жим турибдими, демак, у Мухаммаднинг тарафидадир. Ахир, у улар билан водийга борганини кўрмадиларингми?! Ундан тагин нимани кутяпсизларми? Бу касаллик Хадичанинг уйида илдиз отиб, тобора катталашмоқда, – у бир оз сукут сақларкан, яна ғазаб билан давом этди, – Хадичанинг қавми Мухаммаднинг қавми билан биргадир. Уларнинг ҳозирча исломга кирмай тургани сизларни алдаб қўямасин. Унинг синглиси, холаси ва унинг ўғлини кўрмайпсизларми? Улар мусулмонми-мусулмон эмасми, нима бўлганда ҳам, Мухаммадга қарши чиқмайдилар. Хадичанинг ҳовлисида қадамлари узилмайди. Гарчи исломга кирмаган бўлсалар-да, кечалари ҳам-

мадан яшириниб водийга овқат ташиганларини билмайсизларми? Ахир, Хадичанинг қариндошлари бирин-кетин мусулмон бўлаётгани ҳам бунга яққол далил-ку!”

Абу Лаҳаб тин олиб, ғазаб билан давом этди: “Уларни ер билан яксон қилмасак бўлмайди. Ишни Хадичадан бошлаймиз. Ундан кейин ишимиз осон кўчади”.

“Абу Толибдан бошласак-чи”, – деди бири.

“Мен ўз фикримни айтдим, – деди Абу Лаҳаб титраб-қақшаб, – хоҳлаганларингдан бошлайверинглар. Бу ўта жиддий иш. Ғафлатда қолманглар. Бир кун кечиксангиз, бир йиллик зиён кўрасиз. Ишни пайсалга солсак, Мухаммад қувватланиб, кейин бизни мағлуб этади”.

Ўзаро келишиб, ишни Абу Толибдан бошлайдиган бўлишди. Лекин улардан бири бу фикрни рад этди: “Кексайиб, касал бўлиб ётиб қолган Абу Толибни қўйинглар. У қаттиқ оғриб ётибди. Хоҳласа ҳам, Мухаммадга ёрдам беролмайди”.

Бу фикрни ҳаммаси жўяли топишди. Абу Толиб ота-боболарининг динида қолганидан ғурур туйишди. Сўнг Абу Толибнинг ҳузурига бориб, мақсадларини баён қилишди. Бу пайтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўша ерда эдилар. Уларнинг кўзларида ёмонлик, овозларида душманлик зоҳир эди. Расулуллоҳ уйларида бориб, сукутга толдилар.

“Эй Расулуллоҳ, нимага хафасиз? Кўнглингизни нима ранжитди?” дея сўради Хадича онамиз.

“Эй Хадича, амаким Абу Толибнинг вафоти яқинлашди. Кофирлар эса унинг ўлимини кутмоқдалар.

Мени хафа қилаётган нарсa мана шу...” дедилар Пайгамбаримиз маъюслик билан. Онамиз юзларидан нур сочиб, Расулуллоҳга қаради ва юмшоқлик билан: “Эй Расулуллоҳ, улар хоҳлаган нарсаларига эриша олмайдилар. Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир. Ботил ҳеч қачон ҳақдан ғолиб бўла олмайди. Абу Толиб Аллоҳнинг чақириғига “лаббай” дер экан, унга ҳеч қандай зарар етмайди. Ахир, Абу Толибнинг Парвардигори улардан кўра қувватлидир”, дедилар.

Расулуллоҳ бу сўзлардан таскин топиб, хафаликлари тарқалди. Токи Абу Толибнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитгунларигача ўринларидан турмадилар. Бу хабарни эшитиб, ул зотнинг юзлари ўзгарди. Кўрғонидан улкан бир устуннинг қулаганини ҳис қилдилар. Ўзларига суянчиқ бўлган, кўп ёрдам берган амакисининг ҳовлисига қараб шошилдилар. “Эй Хадича, энди ёнимда сендан бошқа ҳеч ким қолмади”, дедилар. Аллоҳга илтижо қилиб, умрини узоқ, ишларини баракотли қилишини сўрадилар.

Амакисининг мотамида кўплаб Қурайш мушриклари ҳам йиғилишган эди. Қалбларидаги хусумат шундоққина юз-кўзларида акс этиб турарди. Улар азада эмас, гўё тўйда иштирок этаётгандай хурсанд эдилар. Яъни: “Эй Муҳаммад, мана, суянчиғинг Абу Толиб ўлди. Энди Хадичадан бошқа тарафдоринг қолмади. Уни ҳам тезда йўқ қиламиз. Қўлимизда чумчуқ янглиг потирлаб жон беради. Хўш, кейин нима қиласан?” демоқчи эдилар.

Абу Толибнинг вафотидан сўнг Қурайш ичидаги таранглик кучайиб кетди. Хусумат авжига чикди. Бироқ ҳар на қилсалар ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-

ҳи васаллам уларга бўйсунмадилар. Хадича онамиз у кишининг ёнида бўлиб, таскин-тасалли берар, азиятни кетказиб, амалий жиҳатдан кўмаклашар эди.

Кураш кундан-кунга қизғин тус оларди. Мушриклар янги-янги ҳийлаларни ўйлаб топар, Исломни таг-туғи билан йўқ қилиб ташлашга интилишарди. Хадича онамизни Расулуллоҳдан ажратиш учун тинимсиз ҳаракат қилишарди.

22-ФАСЛ

жудолик

Хадича онамиз Расулуллоҳдан қаттиқ хавотир ола бошлади. То у киши ҳамнафас экан, тиним билмади. Нима қилиб бўлса ҳам, Пайғамбаримизга кўмак берсам дерди. Бу пайтда у киши 65 ёшга тўлган эди. Юраги имон ва садоқат билан урарди. Ёшлардек ғайрати танига сиғмасдан ҳаракат қиларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо унинг узун ҳаёт кечиришини, Аллоҳ дини йўлида кўпроқ хизмат қилишини тилардилар. Табиийки, Хадича онамиз ҳам Аллоҳнинг нусратини кўришни орзу қиларди. Улкан Қуёшнинг дунёга нур таратиб, инсониятни зулматдан ёруғликка олиб чиқишига гувоҳ бўлишни хоҳларди. Мушриклар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга озор берган пайтларда ул зотга нисбатан меҳрибончиликлари янада ошар, таскин-тасалли берар эди. Ҳали Аллоҳ ҳузурига қайтишга вақт бор деб биларди. Мушрикларнинг азиятидан қочиб, кураш майдонини тарк этишни ҳаёлига келтирмаган эди. “Хадичани ўлдирамиз”, деган мушриклар ниятига ета олишмайди, деган ишончда эди. Негаки, Абу Толибдан кейин Расулуллоҳга Хадича онамиздан бошқа ёрдам берувчи киши қолмаган эди...

Бир кеча Куръон тиловат қилиб ўтираркан, Хадича онамизнинг баданида қаттиқ оғриқ турди. Аста-се-

кин ҳолсизланди. Расулуллоҳга қараб: “Эй Аллоҳнинг расули! Аллоҳ сизга яқинда ёрдам беражак. Аллоҳнинг нури ҳеч қачон ўчмайди! Парвардигор ўз нурини сира тарк этмайди. Аксинча, тез орада уни комил этгай”, деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳолсизликнинг оқибатини ҳис қилдилар. Қўлларини кафтларининг устига қўйиб, вужудларида қаттиқ безовталиқ борлигини сездилар. “Хадича, бемор бўлибсан. Енгилгина иситманг бор. Аллоҳ хоҳласа, тезда ўтиб кетади”, деб кўнглини кўтардилар. Сўнг қўлларини узатиб, онамизнинг туришига ёрдам бердилар. Ётоққа етгунларича суяб бордилар. Ёнида ўтириб, муборак қўллари билан кўксиларини силадилар, пешоналарига сочиқ босдилар. Аллоҳдан шифо сўрадилар. Онамиз ёрдам берганлари учун Расулуллоҳга миннатдорлик билдирди ва бориб дам олишини айтди.

“Эй Хадича, – дедилар Пайғамбаримиз, – сенинг ҳаққингни қандай адо қиламан? Камбағал эдим, Аллоҳ мени сен туфайли бой қилди. Ҳимоясиз эдим, уйингда ёрдам ва ҳимоя топдим. Сен биз учун меҳрибон она, опа, хотин эдинг... Энг яқин суянчиғимиз эдинг...”

Хадича онамизнинг оғриқлари кучайиб, кўзлари ёшга тўлди.

“Сенга нима бўлди? Аллоҳнинг фазл-рахмати кенгдир”, дедилар Расули акрам. У кишидаги ғамгинликни кўриб, онамиз: “Эй Расулуллоҳ! Аллоҳ сизга нусрат беради, – деди жилмайиб, – улкан Қуёш Макка ва унинг атрофидаги зулматни ёритганини кўришни нақадар орзу қилардим!”

Пайғамбаримиз унга таскин бериб дедилар: “Яқинда, албатта, кўрасан. Бу зулмат енгилади. Ҳали соғайиб кетасан”. Онамизга маъюс тикиларкан: “Сенга Аллоҳ шифо беради. Хадича, мени ҳаргиз қолдириб кетма”, дедилар. Дард ғолиб кела бошлади. “Расулуллоҳ, – деди онамиз, – Аллоҳ сиз билан биргадир. Уларнинг озор-азиятларини, ёмонликларини Аллоҳ тезда ўзларига қайтаражак. Ҳаргиз сизни енга олмаслар. Сиз Аллоҳ томонидасиз. Фақат, айтинг-чи... Раббим менга нима ваъда қилмоқда? Амалларимни даргоҳида қабул қилиб, мендан рози бўлганмикан?”

Кўз ёшларини кўрсатмаслик учун Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам юзларини четга бурдилар. Сўнгра: “Аллоҳ сендан рози бўлди ва сенга раҳмат айтди. Ҳақ йўлида ёрдам қилдинг, мол-дунёингни аямадинг, Расулуллоҳ билан бирга бўлдинг... Кимки Аллоҳ ва расулига ёрдам қилса, Аллоҳ ҳам унга муносиб тарзда ажр беради. Эй Хадича, сенга Адн жаннати ичида маржондан қурилган, остидан зилол сувлар оқиб турувчи қаср берилажак”, дедилар. Сўнг совуқ сувни пешонасига босдилар, ҳарорат бир оз тушиб, онамиз тетиклашди.

“Душманларимиз бизни мағлуб эта олишмайди, – деди Хадича онамиз – Қурайш аҳли бугун нима билан машғул?”

Атрофида турган қизларидан бири: “Онажон, улар кутиб турибдилар”, деб йиғлай бошлади. Расулуллоҳнинг кўзлари ҳам ёшга тўлди. Қизларини тинчлантиришга ҳаракат қилдилар. Лекин касаллик соат сайин зўрайиб борарди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам билан қизлари қаттиқ хавотирга

тушишди. Ҳовлини тўлдириб турган мусулмонларни оғир ғам босган эди. Аллоҳдан шифо тилаб, дуо қилдилар. Уларнинг деярли барчаси Хадичанинг яхшилигидан, хайру саховатидан баҳраманд бўлган эдилар.

Абу Лаҳаб билан унинг хотини дарвоза олдида туриб, ҳовлига ким кириб-чиқса, гапга тутишарди. Бироқ қисқагина жавобдан бошқа ҳеч нарса эшитолмасдилар. Ўта яхши кўрганлар ҳам, ниҳоятда ёмон кўрувчилар ҳам Хадичанинг ҳол-аҳволини суриштирарди. Расулуллоҳ ва қизлари онамизнинг олдидан жилмай, қараб туришарди. Афсуски, у кишининг ҳаёти сўнгига етиб бораётган эди. Онамиз сўнгги лаҳзаларда ҳам ўзидан кейин Расулуллоҳга қурайшликларнинг озор-азият беришини ўйлаб, ташвиш чеккардилар.

Тун узун эди. Сахар бўзариб кела бошлади. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг ёнида эдилар. Хадича онамиз кўзларини бир очиб, қизларига ва Расулуллоҳга қаради. Сўнг рози-ризолик тилаб кўзларини юмди. Омонатини Парвардигорга топширди. Расулуллоҳнинг кўзлари ёшга тўлди, юраги изтироб алангасида ёнди. Исломни пайғамбардан сўнг биринчи бўлиб қабул қилган мўътабар ва мард-жасур аёл дунёдан кўз юмган эди. У Аллоҳ ва Унинг дини йўлида кўп иш қилди.

Расулуллоҳнинг кўзларидан ёш тўхтамасди, қизлари ҳам йиғларди. Бутун ҳовли мотамга тўлди.

Хадича онамизнинг тобутлари мусулмонлар елкасида Қурайш қабристонига олиб келинди. Қабрнинг устида матоҳ тортдилар. Расулуллоҳ қабрга тушиб,

муборак қўллари билан лаҳадни текисладилар. Поки-
за жасадларини қабрга қўйдилар. Гўзал юзларига
сўнгги марта қараб видолашдилар. Кўзлари ёшга ту-
либ, бошларини эгган ҳолда қабристондан чиқдилар.
Кейин уйларига қайтдилар. Расулуллоҳ иккинчи кат-
та ёрдамчисини йўқотган эдилар. Энди Макка муш-
риклари қандай қабиҳликларни ўйлаб топаркан, де-
ўйга ботдилар.

23-ФАСЛ

ҲАМИША РАСУЛУЛЛОҲНИНГ ЁДЛАРИДА

Расулуллоҳ Хадичадан жудо бўлгач, ўзларини ўта
ёлғиз ҳис эта бошладилар. Қилган яхшиликларини, са-
хийликларини, шижоатини эслаб, кўнгиллари тўлар
эди. Ғам-қайғуси кучайиб, юз-кўзида бунинг таъсири
сезила бошлади. Мушриклар эса, табиийки, Хадича
онамизнинг вафот этганидан хурсанд эдилар. Бир-бир-
ларини қутлаб, “Абу Толиб ҳам, Хадича ҳам йўлимиз-
дан бартараф бўлди. Энди мусулмонлар заифлашади”,
дердилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам азадан
кейин яна кўчага чиқдилар. У кишига жинни, эси
пастларни рўбарў эшитиб, масхара қилишди. Улар
Пайғамбаримизнинг муборак бошларига тупроқлар
сочиб, азият беришди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-
ҳи васаллам ғамгин ҳолда уйга қайтиб келдилар.
Бундай пайтларда Хадича табассум билан кутиб
олар, у зотнинг ғам-қайғусини ёзишга уринар эди.
Ҳозир ҳам шуни қўмсадилар. Қизлари Фотима у ки-
шини ғамгин ҳолда кўриб, шошиб олдиларига кел-
ди. Бошларидаги тупроқни тозалаб ювди. Онаси-
нинг меҳрибончиликларини эслаб йиғлади. Расулул-
лоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам таъсирланиб
кўзларига ёш олдилар. Сўнг Хадичани дуо қилдилар.

Етказган озорлари учун мушрикларни баддуо қилиб, Аллоҳдан паноҳ сўрадилар.

Пайғамбаримиз Хадича онамизни ҳеч қачон унутмадилар. Доимо яхшилик ва меҳрибончиликларини эслаб гапирардилар. Мусулмонлар ҳам Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ғам-қайғуларини ариштишга ҳаракат қилдилар. Охири у зотни уйлантириб қўйишга аҳд қилдилар. Муносиб аёл топилса, Пайғамбаримизнинг кўнглидаги кемтиклик тўлиб, ғам-аламлари арирмиди, деган хаёлга боришди. Ва бу ҳақда сўз очиш учун у кишининг ҳузурига бир аёлни юборишди. Аёл: “Эй Расулуллоҳ, Хадича онамизга нисбатан садокатингиз зиёда бўлди. Ҳатто бу жисмингиз ва юзингизга ҳам таъсир қила бошлади. Бу ғамгинликни сиздан аритадиган бирор киши борми?” деб сўради. Расулуллоҳнинг кўзлари ёшланиб: “Хадичага бўлган соғинчимни ким ҳам кетказа оларди?! У Аллоҳнинг расулига ёрдам қилди. Аллоҳ учун яшади ва Аллоҳ йўлида вафот этди. Хонадонимизнинг тарбиячиси ва болаларимнинг онаси эди”, дедилар.

Ҳалиги аёл деди: “Аёллар орасида у кишининг ўрнини босадигани йўқми? Эй Аллоҳнинг элчиси, ҳеч бўлмаса, меҳр-оқибати, фазилатлари билан уни эслатадиган аёл йўқми?”

“Кошки аёллар орасида Аллоҳни рози этадигани ва Расулини мамнун қиладигани бўлса”, дедилар ва суҳбат асносида уйланишга рози бўлдилар. Сўнг совчи қўйиб, уйландилар. Лекин хотинларидан ҳеч бири Хадича онамиздек бўла олмади. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ҳамиша у кишини эҳтиром билан ёдлар, қўмсар эдилар. Қизлари орасида Руқияни

бошқача яхши кўрардилар. Чунки у онасига жуда ўхшаб кетарди. Хадича онамизнинг чиройи унга ўтган эди. Онасининг имо-ишоралари, гап-сўзлари, табасумларини Руқия такрор яшар эди. Доимо уни дуо қилардилар...

Руқия ҳам вафот этганида Расулуллоҳ кўзёш тўкиб, каттиқ қайғуга чўкдилар. Суюкли қизларини ўз қўллари билан дафн этишни ўйлаб изтиробга тушдилар. Бир мунча вақт уйдан чиқмай қўйдилар. Ҳа, Расулуллоҳ ул мўътабар аёлнинг ёдини қутлуғ билдилар. Ўрни келганда, Хадича онамизни эслар, мақтаб намуна қилиб кўрсатар эдилар. Унинг ҳақиқа кўп дуо қилардилар. Бир куни хотинларидан бири Хадича онамизга бўлган муҳаббатлари туфайли Пайғамбаримизни рашк қилди, “Қарисини олиб, Аллоҳ сизга ундан яхшироғини бермадими?” деди. Юзларидан Расулуллоҳнинг аччиқланганлари билинди. “Аллоҳга қасамки, уни яхшироғига алмаштиргани йўқ! Одамлар куфрга ботганда, у менга имон келтирди. Одамлар мени ёлғончи деганда, у ростгўйлигимни тан олди. Одамлар қизғанган пайтда, у молу дунёсини ҳақ йўлига сарфлади. Аллоҳ таоло ундан менга фарзандлар ато қилди”, дедилар қатъий тарзда.

Қачонки, ишлари ўнгидан келиб, ғалабага эришса, Хадича онамизни эслардилар. Ўлжа тушган пайтлар ҳам: “Агар тирик бўлганида ҳақини берар эдим”, деб уни ёдга олардилар. Унинг руҳини шод қилишга ҳаракат қилардилар. Молларидан Хадича онамизнинг яқинларига, дўстларига эҳсон берардилар, қавмига яхшилик қилардилар. Агар қўй сўйсалар, албатта, Хадичанинг яқинларига олиб боринглар, у яхши кўрганлар-

ни мен ҳам яхши кўраман, деб тайинлар эдилар. Аллоҳ ва расули учун яшаб ўтган Хадича онамизни тез-тез тилга олардилар. Уни то чин дунёга рихлат қилгунларича ҳам унутмадилар. У кишининг вафодорлигини бошқаларга намуна қилиб кўрсатардилар. Мўмин-муслмонлар у кишини “Уммул муслимин” деб атасин, дердилар. Яхшилик, меҳрибончилик ва ихлосда ундан ўрнак олинглар, деб таъкидлардилар.

Мўминларнинг онаси Хадича бинти Хувайлиддан Аллоҳ рози бўлсин.

МУНДАРИЖА

1-фасл. Хонадон гули	3
2-фасл. Нозик савдо	7
3-фасл. Тўй ҳаяжони	10
4-фасл. Тўй	13
5-фасл. Тақдир битиги	17
6-фасл. Яна жудолик	20
7-фасл. Сирли туш	22
8-фасл. Мурожаат	25
9-фасл. Учрашув	28
10-фасл. Ният	30
11-фасл. Тараддуд	35
12-фасл. Келишув	38
13-фасл. Уйланиш	43
14-фасл. Абулқосим	45
15-фасл. Иймон	48

16-фасл. Маккадаги гап-сўзлар	54
17-фасл. Мўминлар онаси	59
18-фасл. Кураш	62
19-фасл. Қурайш ичидаги танглик	68
20-фасл. Қамал	74
21-фасл. Қайтиш ва қасд	78
22-фасл. Жудолик	84
23-фасл. Ҳамиша Расулуллоҳнинг ёдларида	89

Диний-маърифий нашр

**АБДУССАЛОМ АШРИЙ МУҲАММАД
АБДУЛҒАНИ ҲАСАН**

ХАДИЧА БИНТИ ХУВАЙЛИД

Розияллоху анҳо

Муҳаррир Шариф ХОЛМУРОД

Бадиий муҳаррир Иброҳим НУРУЛЛОҲ

Мусахҳиҳа Дилором БОЙМИРЗАЕВА

Нашр. лиц. АИ № 290. 04. 11. 2016.

Босишга 2018 йил 18 мартда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60 x 90 ¹/₁₆.

Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 3,0. Шартли б. т.: 6,0

Адади: 10000 нусха.

149 -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

www.gglit.uz.

e-mail: info@gglit.uz

18000



Ушбу рисола пайғамбаримизнинг аёллари, у зотга илк иймон келтирган зоти шарифа, барча мўминларнинг онаси – Хадича розийаллоҳу анҳо ҳаётига бағишланган. Унда Хадича онамизнинг болаликлари, оилалари, Пайғамбаримизга қандай турмушга чиққанлари, Ислом дини йўлида чеккан машаққатлари ҳикоя қилинган.

Асар Ислом дини тарихи билан қизиқувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.



ХАДИЧА

БИНТИ ХУВАЙЛИД

Розийаллоҳу анҳо



ISBN 978-9943-5014-7-8



9 789943 501478